

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА УҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА
И Ж О Д И

(Методик тавсиялар)

I қисм

Муаллиф: О. А. Иброҳимов
Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Санъатшу-
нослик илмий тадқиқот институти-
нинг катта илмий ходими

ТОШКЕНТ — 1994

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ҲУҚУҚ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА ИЖОДИ

I қисм

Такризчилар: Азимов Б. А.,
Педагогика фанлари номзоди;
Назаров А. Ф., Санъатшунослик
номзоди; Хидиров Ф. О., Илмий
ходим.

Масъул муҳаррир: Днусов Р. Д.,
Санъатшунослик номзоди;
Муҳаррир: Шарипова М. К.

Тошкент - 1994

Республика ўқув-методика марказининг 1994 йил 12 январь
даги мусиқа фани бўйича илимий-методика кенгашида нашрга тав-
сия этилган.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси

1994

Ўқув-методика маркази
Миллий-методика кенгаши
Ўқув-методика маркази
Миллий-методика кенгаши
Ўқув-методика маркази
Миллий-методика кенгаши
Ўқув-методика маркази
Миллий-методика кенгаши

МУАЛЛИ - ДАН

Халқимизнинг истиқлолга эришиши муносабати билан азалий қадриятларимизни тиклаш, ўз тарихимизни, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, маънавий ва шу жумладан, бадиий меросимизни атрофлича ўрганиш ҳамда ундан баҳраманд бўлиш имконияти вуқудга келди. Хусусан, "Ўзбек халқ мусика ижоди" ўқув фанининг маданият, санъат ва муаллимлик ихтисосидаги ўқув юртлари таълим режасига мустақил фан сифатида жорий этилиши - ана шу мақсадда амалга оширилган сезъ-ҳаракатлардан биридир. Ушбу ўқув қўлланма бу борадаги илк урниншлардан бўлиб, у педагогика билим юртларининг "мусика тарбияси" мутахассислиги учун 1993 йили нашр этилган "Ўзбек халқ мусика ижоди" дастури асосида ёзилди. Аммо муаллиф ушбу фан ҳозирда барча мусика ўқув юртларининг таълим мазмунида муносиб ўрин олганлигини инобатга олиб, дастурдаги маззуларни бир қадар кенгрок ёритишга ҳаракат қилди. Бинобарин, мазкур қўлланмадан нафақат педагогика, балки мусика ўқув юртларида / шу фанга ажратилган соатларга мувофиқ ҳолда / ҳам фойдаланиш мумкин.

Қўлланма ёзилишида энг аввало ўзбек мусикашунослиги эришган илмий натижалар муҳим манба бўлди. Бунда, хусусан, Ю.Ражабий, И.Ражабов, Ил. Акбаров, Ф. Кароматов, М. Юсупов, К. Олимбоева ва бошқа таниқли санъаткор ва олимларимизнинг миллий мусикамизни тўплаш, нота ёзувларига олиш ҳамда тадқиқ этишга оид илмий-ижодий меҳнатлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, М. Алави, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, Ҳ. Разақов, О. Собиров, К. Имомов, А. Мусоқулов, О. Сафаров, Г. Жаҳонгиров каби ҳурматли филолог олимларимизнинг фольклоршуносликка доир эълон қилган айрим илмий изланишлари ҳам қимматли маълумотлар қаторида ўз аксини топди.

К И Р И Ш

"Ўзбек халқ мусика ижоди" ўқув фанини ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларни анъаналарга бой ва бадиий етук халқ мусика ижоди намуналаридан баҳраманд этиш ҳамда шу асосда уларда ўткир дид, юкори бадиий савия ва нафис туйғуларни шакллантиришдан иборат. Айни вақтда, кўп асрлар давомида яшаб келган арлод-аждодларимиз маънавиятининг, баркамол руҳиятининг садолардаги инъикоси бўлган миллий кўй, кўшиқларимиз бш арлод калбидан ўрин олarkan, уларни ўз ватанига, халқига садоқатли ва меҳр-мурувватли бўлишга, азелий кадритларимиз ва ўзига хос бетакрор анъаналаримизни эъозлашга, она юрт меросининг бугунги кундаги ҳаққоний ворислари бўлишга, демакки, миллий истиқлолият заруратини теран ҳис этишга даъват этади.

Ушбу ўқув қўлланма мазмуниде ўзбек мусика меросининг икки асосий қатлами - халқ мусикаси ва касбий мусика ижоди¹тига доир деярли барча намуналар қамраб олинди. Қўлланмаде дастлаб/ I қисмде/ халқ мусикасига мансуб меҳнат, мавсумий маросим, оилавий маросим кўшиқлари ҳамда терма, лапар, ялла айтимлари ва чолгу кўйлари ҳусусиде маълумотлар бериледи. Кейинги боскичде / II қисмде/ эса шакл-тузилиши нисбатан ривожланган ва мураккаб кўринишли катта ашула, дoston, мақом каби касбий мусика турларини ўрганиш тавсия этилади.

Ушбу фанни ўрганувчи илм соҳалари ҳусусиде. Шунн таъкидлаш керакки, ўзбек мусика меросининг кўрсатиб ўтилган ҳар иккала қатлами бизга қадар асосан огзаки анъана тарзида, яъни нота ёзувларисиз, огзаки ижод этиш, огзаки ўрганиш ва огзаки ижро этиш орқали этиб келди. Олимлар мусикий меросининг ана шу табиатини инobatга олган ҳолда халқ мусикасини фольклорнинг¹ бир тури, аниқроги - халқ огзаки ижоди сифатида таърифлайдилар ва унга нисбатан гоҳон "мусикий фольклор" тушунчасини қўллайдилар. Чунки "фольклор" намуналари жонли огзаки ижро шароитида яратилади, таркалади, ривожланади ҳамда улар шундай шароитларда айтилади, ижро этилади,

1. "Фольклор" сўзи инглизча бўлиб, фольк - халқ, лор - донишмандлик, билимдонлик маъноларини англатади. Бизда "фольклор" атамаси "халқ огзаки ижоди" ўрнида ҳам қўлланади.

куйланади ва кўрсатилади¹. Демак "халқ мусиқаси" ва "мусикий фольклор" тушунчалари ўзаро маънодошдир. Аммо "фольклор" атамаси ижодкорлари ва ижрочилари устоз-бастакор, касбий-мусикачилар бўлган иккинчи катлам мусиқа намуналарига оид ишлатилмайди. Мусикий мероснинг бу турига нисбат одатда "огзаки анъанадаги профессионал мусиқа" ибораси қўлланиб турилади. Биз эса бу ўринда қисқа ва қулайроқ бўлган "касбий мусиқа" ёки "устозона мусиқа" иборасини қўлаймиз.

Ўзбек мусиқа меросининг икки катламга ажралиши пировардида ҳар иккала соҳани ўрганивчи турли фан тармоқлари юзга келган бўлиб, уларнинг аксарияти мусикий фольклорни тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Чунинчи, фольклоршунослик фани халқ мусиқаси намуналарини филологик нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этса, этнография илми уларга маҳаллий расм-рўсм ва анъанавий урф-одатлар инъикосини ўрганиш жиҳатидан ёндошади. Шунингдек, халқ мусиқа ижоди тилшунос /лингвист/ олимларни тил қонуниятлари, диалектологларни шевадар хусусияти юзасидан қизиқтирса, ўтмиш воқеаларининг қай даражада ахс этганилиги билан тарихчилар диққатини ўзига жалб этади ва ҳ.к. Ёвроқ маъмур фанлар мазмунида табиийки, ҳаёқ ижодининг муҳим қисми бўлган куй ва, умуман, мусиқа қонуниятлари етарли даражада ўритилимай қолади. Тақатгина мусиқашунослик илмида, унинг мустақил тармоғи сифатида шаклланган этномусиқашунослик фани мазмунида халқ яратган мусиқа намуналарини ўрганиш етакчи ўрин тутади ҳамда халқ бадиий ижодиётининг бошқа кўринишлари /шەрият, ракс, ўйин ва б./ билан муштарак ўранилади.

Касбий мусиқа намуналарини тадқиқ этувчи фан соҳаларида ҳам шунга ўхшаш вазиятни кузатиш мумкин. Авваламбор бу йўналишда изланувчи илм тармоқлари нисбатан кам эканлигини айтиш лозим. Маъжудларидан адабиётшунослик, матншунослик, филология ва қисман фалсафа фанлари асосан касбий мусиқа/катта ашула, маком ва б./да қўлланилган мумтоз шەрият намуналарини адоҳица таҳлил этиш билан чекланади. Айни вақтда мусиқашунослик ва унинг тармоқлари – макомшунослик, мусикий манбаъшунослик ёки мусикий шарқшунослик илми касбий мусиқа турларини атрофлича ўрганиш ва, биринчи гада, мусикий қонуниятлар кесимида тадқиқ этишга катта эътибор беради.

Мусикий меросни тўплашга доир. Бизнинг давримизга қадар огзаки услуб воситасида этиб келган мусикий мерос намуналарини

¹ Ўзбек фольклори очерклари. Биринчи том. - Тошкент: Фан, 1988, 9-б.

амалий ўзлаштириш ҳамда илмий тадқиқ этиш ишлари дастлабки пайтларда тутахассис олимлар, шу жумладан, этномусикашунослар олдига бир қатор вазифаларни кўндаланг қўйди. Авваламбор бу меросни тўплаш, уни мавжуд бўлган овоз таратиш воситаларига ёзиб олиш ҳамда нота ёзувларида нашр этиш зарур эди. Чунки бу борада ўтмишдан қолган ёзма ёдгорликлар ниҳоятда оз бўлиб, уларнинг бо-ри ҳам, асосан, ўрта асрлар даври касбий мусиқасига тааллуқлидир. Мусикий фольклорга доир эса тўлик бўлмаган ёзувлар, яъни халқ кўшиқларининг шеърлари баён этилган ёзма манбаълар учрайди хо-лос. Хусусан, шундай қимматли манбаълардан бири - XI асрда яша-ган улуғ бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони лугатит турк" /"Туркий сўзлар девони"/асаридир. Ушбу девонда илму-ҳикмат, панд-насиҳат, меҳнатга шижоат, севги туйғулари каби мавзуларда шеърий парчалар келтирилади. Бу шеърлар маълум оҳангларда қўйланганлиги шубҳа тугдирмайди, зеро шеърийт "илгари қўйлаш учун ё музика жўр-лигида айтиш учун яратилган"¹. Девондаги шеърлар ҳам бу фикрни билвосита бўлса-да тасдиқлайди. Инчунин, уларнинг аксарияти ҳо-зирги халқ кўшиқчилигида кенг ўрин тутган шеърий тўртликлар асо-сида бўлиб, маълум бугин ва қофияларга таянади. Гарчанд "Девони лугатит турк"даги шеърлар кўшиқларнинг турли мазмунларда қўйлан-ганлигидан бизни огоҳ этсада, аммо уларнинг қуй, оҳанглари хусу-сида деярли тасаввур бермайди.

Ўрта Осиёда мусикий меросни беш чизиқли тизим /нотация/ во-ситасида ёзиб олиш ишларининг бошланиши XIX асрнинг иккинчи яр-мига тўғри келади. Бу ишни илк бор бошлаб берган мусиқачилар - А.Эйхгорн /1844-?/ ва Ф.Лейсек /1857-1935/ тақдир тақозоси билан Россиядан Ўрта Осиёга ҳарбий капелмейстерлик /дирижёрлик/ вазифасини ўташга келган эдилар.

Август Эйхгорн асли австриялик бўлиб, 1870-83 йиллари Тош-кентда яшаган эди. Шу йиллар ичида Тошкент, Туйтепа, Кукон, Чимён, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлар бўйлаб мусикий-этнографик саёҳатлар уюштирди ва талайгина халқ кўшиқ-қўйларини ёзиб олди. Шу билан бирга, А.Эйхгорн Ўрта Осиё халқлари мусиқа чолгуларини йиғиш, коллекция тузиш ишида ҳам фаоллик кўрсатди. Жумладан, у 36 чолгудан иборат мажмуа тўплашга муяссар бўлиб, уларнинг ҳар бирига ёзма равишда таъриф бериб ўтган. Шунингдек, А.Эйхгорн кол-
¹ У.Тўйчиев. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. -Тошкент:Фан, 1985, 47-б.

лекцияси Москва, Петербург ва Вен шаҳарларида уюштирилган халқаро кўргазмаларда намоёниш этилган.

Чехиялик ҳарбий капелмейстер ва композитор Франтишек Ваплав Лейсек умрининг солиқли қисмини /1878-1935/ Ўзбекистонда яшаб, миллий куйларимизни тўплаш борасида баракали ишод килди. Чунончи, Ф. Лейсек 200 га яқин Ўрта Осиё халқлари мусикаси намуналарини Ёзувларда жамлаган бўлиб, уни Бутун Россия кўргазмасига тақдим этганлиги маълум. Бундан ташқари, у "Ражабий", "Болжувон", "Муножот" сингари эл орасида машҳур куйларни дамли чолгулар оркестрига қайта ишлаш амалиётини кенг қўллайди. Шу мақсадда 1890 йили 30га яқин халқ кўшиқ ва куйлари асосида "Осиёча поппури", 1923-24 йили эса "Ўзбек кўшиқларидан поппури" асарларини яради. Ф. Лейсекнинг "Осиёча поппури"си Чехия ва Австрия каби ҳорижий Европа мамлакатларида ҳам ижро этилган эди.

Ўзбек мусика меросини тўплаш ва ёзиб бориш ишлари XX асрда мунтазам ва изчил амалга ошириб борилди. Бунда дастлаб 1919 йили Туркистон Республикаси Халқ Маориф Комиссарлигининг Санъат бўлими ҳузурида ташкил этилган Бадий-этнографик комиссияси эътиборли фаолият кўрсатди. Комиссия аъзолари - Г. Зафарий, В. Успенский, Н. Миронов ва Э. Мелнгайдислар ўз олдиларига Ўрта Осиё халқлари мусика ижодини атрофлича ўрганишни, уни тўплаб, нашр этишни ва бошқа илмий-ижодий вазифаларни мақсад қилиб қўйдилар. Бу борадаги дастлабки муҳим ишлар мазкур комиссиянинг раҳбари, Туркистонга 1917 йили келган рус композитори ва мусикий этнографи В. А. Успенский /1879-1949/ томонидан амалга оширилди. Хусусан, В. А. Успенский 1921-22 йиллари Бухорода мақомчи устозлар - ҳофиз Ота Жалол Носир ва танбурчи Ота Гис Абдуганилар ижросида салобатли Шашмақом туркумини нота ёзувларида илж бор муҳрлайди. Бу меҳнат натижаси айрим камчиликларга қарамай/масалан, ашула йўллари танбур ижросида ёзилган бўлиб, натижада овоз тароветига хос нафас ва хусусий безаклар етарлича акс этмаган, айрим зарб-усуллари ритм-ўлчов жиҳатдан нобоп шаклда ёзилган ва б./устозлар санъатини сақлаб қолишда юксак тарихий аҳамият касб этади. В. А. Успенскийнинг Шашмақом нота ёзувлари 1924 йили Бухорода "Шесть музыкальных поэм /мақом/" номи билан чоп этилди. Орадан бир йил ўтиб, В. А. Успенский тошкентлик машҳур ҳофиз Шораҳим Шоумаровдан Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан бўлган "Дугоҳи-Хусайн", "Чоргоҳ", кейинрок

/1930 йили/ёса "Гулёри Шаҳнос" ашула туркумларини Ёзиб олди.

Муסיкий меросни туплаш ишларида Н.Н.Мироновнинг/1870-1952/ фаолияти эътиборга лойиқдир. Туркистондаги/Ўзбекистондаги/ўз фаолиятини аввалига рус армиясининг ҳарбий капелмейстери сифатида бошлаган Н.Н.Миронов, кейинчалик муסיкий-маърифий ишлар борасида жонбозлик курсатган эди. Хусусан, 1928 йили унинг ташаббуси билан Самарқандда Ўзбек муסיка ва хореография институти очилган бўлиб, унда сабоқ беришга Ота Жалол Носир, Ота Гибс Абдугани, Домла Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрзоков, Матбусуп Харратов сингари машҳур ҳофиз ва созандалар жалб этилади. Институтнинг ёкори гуруҳ талаба /аспирант/лари муסיкий меросни амалий ўзлаштириш билан бирга уни фонограф орқали валиқларга муҳрлаш ишларини ҳам бажарар эдилар. Бу фаолиятнинг пировардида Н. Н. Миронов томонидан нашрга бирин-кетин уч китоб тайёрланиб, уларда унинг шогирдлари /М. Ашрафий, Ш. Рамазонов, Т. Содиков/ Ёзиб олган миллий муסיка куйлари тупланган эди!

1932 йили Ўзбек муסיка ва хореография институти Тошкент шаҳрига кучирилди. Бу даргоҳнинг ходимлари В. А. Успенский, Е. Е. Романовская /1890-1947/, Ил. Акбаров ва Х. Муҳамедовалар /1915-1993/ Тошкент, Фарғона водийси /Андижон, Фарғона, Уш, Маргилон/, Хоразм ва Бужоро бўйлаб муסיкий-этнографик экспедициялари уюштирдилар. Бир қатор чоп этилган тупламлар ана шу меҳнатнинг ҳосиласидир. Хусусан, "Ўзбек халқ кўшиқлари"/1, II китоблар - 1939, III китоб - 1954/, "Хоразм классик музикаси"/1939/, "Ўзбек чолғу музикаси"/1948/, "Навоий сўзига музикалар"/1949/, "Ўзбек вокал музикаси"/1950/ нота тупламлари шулар жумласини ташкил этади. Ушбу ёзувлар мазмунида халқ музикаси намуналари - фарғона ёллари-нинг кўшиқчилик ижодлари ва касбий музикага доир Хоразм мекомларининг чолғу куй ва бошқа турдаги ривожланган ашула йуллари ўз аксини топган эди. Шунингдек, 1949 йили Илбс Акбаров ЎзССР халқ артисти Уста Олим Комиловдан 50га яқин доира усулларини Ёзиб олди ва 1952 йили "Доира зарблари" номи билан чоп эттирди.

40-йиллар охири 50-йиллар бошларида бу соҳага институт ходими К. Олимбоева /1926-1992/ келиб кўшилди. Муסיкашунос олима

I. Бу китоблар куйидагича номларда нашр этилган: "Музика узбеков" /Самарқанд, 1929/, "Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока" /Самарқанд, 1931/, "Песни Бухары, Ферганы и Хивы" /Тошкент, 1931/

2. Ҳозирда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти

"Шоҳсанам ва Ғариб" дostonидан а.рим куйларни ноталаштирди, Тошкент, Фаргона/1951/ ва Хоразми вилоятларига /1952/ таникли фольклоршунос олимлар М. Алавия ва К. Абдуллаевлар билан экспедицияларда катнашиб, замонавий халқ кўшикларини Ёзига муваффақ булди ҳамда шу асосда "25 узбек халқ кўшиги" тўпламини нашр учун тайёрлади.

50-йиллардан бошлаб институтнинг мусика бўлими мудири, санъатшунослик доктори Ф.М. Кароматов раҳбарлигида Ўзбекистон вилоятлари - Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразми, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фаргона водийси сарҳадларига кенг миқёсда мусикий фольклор экспедициялари уюштирила бошланди. Ҳозирги кунга қадар давом этиб келаятган ушбу ижодий жараҳнда кимматли манбаълар тўпланган бўлиб, улар асосида Ф.М. Кароматов "Ўзбек думбири мусикаси"/"Узбекская домбровая музыка", 1962/, "Ўзбек халқ кўшиклари"/"Узбекские народные песни", Киев, 1980/ ва ҳозирда икки китобдан иборат "Ўзбек халқ мусика мероси"¹/I китоб, 1978; II китоб, 1985/ тўпламларини босмадан чиқарди.

Ўзбек мусика меросини асраб қолиш ва уни ривожлантиришда улкан ҳисса қўшган санъаткорлардан бири академик Ёнус Ражабийдир/1897-1976/. Устоз Ражабийнинг ўзбек мусикасининг деярли барча жанрларига мансуб Ёзув намуналари кўп томлик "Ўзбек халқ мусикаси"да /I-У томлар, 1955-59/ нашр этилган². Ушбу тўпламларда, жумладан, болалар кўшиги, халқ айтимлари /кўшик, лапар, ялла, ашула/, катта ашулалар, чолгу куйлари, Фаргона-Тошкент мақом йўллари, мухташам Шашмақом туркуми каби ҳам мусикий фольклор, ҳам касбий мусика қатламлари намуналари муносиб урин олгандир. 1966-75 йиллари Шашмақом мажмуасини олти жилда қайтадан нашр этилиши ҳамда бу мақомларни Ёнус Ражабий раҳбарлигидаги Ўзбекистон телерадиоси мақомчилар ансамбли ижросида магнит тасмалар ва лапарларга /грампластинкаларга/ ёзиб олиниши бу рўйхат салмоғини янада оширади. Ёнус Ражабий тўпламлари нисбатан мукаммал даражада бажарилганлиги билан ўзбек мусикасини амалий ўзлаштириш ва назарий ўрганишда бениҳоя кимматли манбаъдир. Аynиқса Шашмақом Ёзув йўллари аввалги уринишлардан сифатли фарқ этишини таъкидлаш керак. Бунда овоз хусусиятлари маълум даражада инобатга оли-

1. Ушбу китоблар кейинги бетларда "ЎХММ" тарзида қисқартириб ёзилди.

2. Маъкур нашрлар кейинги бетларда "ЎХМ" шаклида ёзилди.

ниб, куй-оҳангларига ўзбек мумтоз шеърини намуналари монанд этилганлиги, ритм-усуллар ўлчов жиҳатдан мувофиқ акс этидирилганлиги каби муҳим ҳолатларни алоҳида айтиш мумкин.

Шу ўринда Хоразм мақомларини ҳам тўлиқ туркум /ъъни ҳам чертим, ҳам айтим йуллари/ тарзида Матниёз Ёсупов /1925-1992 / томонидан ёзиб олиниши ва 1958 йили "Ўзбек халқ музикаси" тўпламининг VI жилдида чоп этилиши эътиборга моликдир. Бунда нотага олувчи мақом айтим йулларини овоз ва танбурга оид алоҳида-алоҳида ёзувларда акс этирганлиги, натижада мақом ижроси хусусида аниқроқ тасаввур ҳосил этилади. Хоразм мақомлари ҳам жиддий ўзгариш ва тўлдиришлар билан 80-йиллар давомида кайтадан нашр этилган эди. Шунингдек, Хоразм мусика анъаналарини урганишда М. Ёсупов нота ёзувларига олган маҳаллий ашула, лапар, сувора ва бошқа айтим ҳамда чолғу куйлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу меҳнат натижалари "Ўзбек халқ музикаси" кўп томлигининг II /1960 / ва IX /1962 / жилдларида ўз аксини топган.

Халқ музикасининг умумназарий масалалари

Муסיкий фольклор – халқ оғзаки бадиий ижодиётининг муҳим қисмини ташкил этади. У мазмунан серкулём маъно касб этгани ҳолда хилма-хил шакл ва тур /айтим, чолғу куй /ларда намоён бўлади. Унинг намуналари эса дастлаб истеъдодли шахслар томонидан яқка ёки жамоа иштирокида яратилиб, сўнгра эл орасида оғизден-оғизга ўтиб оммалашади. Шу аснода асрлар давомида шаклланган халқ кўшиқ-куйлари авлоддан-авлодга оғзаки равишда мерос қолиб, бизга қадар ижтимоий онг хотирасида сақланиб келинди. Аммо табиийки, бу жараёнда халқ ижоди намуналари маълум ўзгаришларга ҳам учраган, зеро "оғзаки ўзатиш"да иштирок этган халқ вакиллари ўз қобилиятига яраша уларга сайқал берган /ёки ўз ижровий имкониятларига мослаштирган/ ва шу тариқа муסיкий фольклорнинг "рандаланган" хилма-хил кўринишлари юзага келган. Бундай ўзгаришлар пировардида баъзан янги сифатларга ҳам эришилган. Муסיкий фольклорга хос бўлган бу каби ўзгаришлар беқарорлик / вариантлик / қонуниятини касб этади. Ўз навбатида, халқ муסיка ижодининг вариантчилиги яна бир асос – барқарорлик / инвариантлик / анъанаси билан чамбарчас боғлиқдир. Зотан, муסיкий фольклор доирасида ҳар қандай ўзгаришлар муқим анъаналар асосида амалга оширилади. Айни вақтда фольклорнинг барқарор жиҳатлари уни хо-

тирада узок муддат саклаб туришг ҳам кўмак беради. Бу хусусда ўз ўрнида тегшли ва зарур изоҳлар бериб ўтилади.

Халқ мусикаси таркибан ва табиатан синкретик санъатдир. Бунда сўз, куй ва ўйин /ракс ва умуман маълум ҳаракат /унсурларнинг ўзаро "қоришиб" келиши англашилади. Чунки мусикий фольклор намуналари келиб чиқиш манбаъларига кўра халқ ҳаёти билан боглик турли кўринишларда, хусусан, меҳнат жараёни, оилавий маросим ва урф-одатлар, сайил ва бошқа оммавий байрам тантаналарида қарор топган ва ижро этиб келинган. Шунингдек, халқ оғзаки мусика ижоди доимо сўз, куй ва ижро бирлигида намоён бўлади, яъни унда сўз куйланади, куй эса сўз орқали муайян ифода тусини олади. Демак, сўз ва куй воситалари оғзаки равишда ижро этилиши билан бир-бирига бевосита пайвастадир. Ана шу муштарак ҳолатларни бир сўзда баёнлаш мақсадида "айтим" атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу атамда сўз ва куйни оғзаки баёнлаш ҳолати муҳассам этилгандир. Бинобарин, айтим - бу мусикий фольклорнинг ҳозир бўлиш шаклларида биридир. Унга маънодош сўзлар ўрнида баъзан "куйлаш" /яъни куй айтиш маъносида/ ва "қўшиқ" /кенг маънода - сўз ва куйнинг оғзаки ижрода қўшилиши/¹ тушунчаларини ҳам қўллаш мумкин.

Мусикий фольклорни тавсифлаш борасида яна уни идроклаш ва ижро этиш омилларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Шундайки, мусикий фольклор намуналарини идроклаш ва ижро этиш учун касбий мусиқачиларга зарур бўлган ва кўп йиллик "устоз-шоғирд" мактабида эгалланган махсус малакаларнинг бўлиши талаб этилмайди. Халқ мусикаси қийматини камситмаган ҳолда уни асл маънода халқчил эканлигини фахрлаш зарур. Айтайлик, дostonларни фақат бахшилар, мақомларни эса устоз мақомчиларгина мукамал даражада ижро эта оладилар. Айни чоғда халқ айтимларини нисбатан кенг омма куйлай олиш имконига эгадир. Инчунин, бу турдаги мусика жамоа ва унинг вакиллари томонидан ўз ижроси ва идроки учун ҳар томонлама мосланган ва, энг аввало, шеър асоси, куй-оҳанглари ва шакл-тузилиши жиҳатларидан монанд этилган бўлади. Бунда:

а/шеър асоси - халқ йўлида /бармоқ вазнида/ яратилган ва мазмунан оммабоп тўртлик ва бошқа шеърый кўринишлардан иборат;

б/куй-оҳанглари нисбатан тор овоз кўламида /асосан кварта, квинта, секста, камрок октава /куйлашга мўлжалланган;

г. "Қушиқ"-тор маънода айтимнинг муайян тури, жанрини англатади.

в/шакл-тузилишлари банд,накаротли банд каби нисбатан оддий кўри-нишларда намоён бўлади.

Ушбу руқнларда кўрсатиб утилган қисқа тавсифлар айтимларда атрофлича, сержиҳат зуҳур бўлади. Шу боис уларни муфассалроқ ба-ёнлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Айтимнинг шеърий асослари. Айтимларнинг сўз асосларини бар-моқ вазнли халқ шеърийати ташкил этади. Бу вазнда шеърий мисралар маълум туроқ - сўз бўгин /ҳижо /ларига "қурилган" бўлиб, улар одатда бармоқ билан саналган. Масалан, шеър мисралари 4,5,7,8,9, 10,11 ва бошқа туроқда бўлиши мумкин. Яна шуниси диққатга сазо-ворки, мисраларда ҳижо ва ритм бирлиги муштарак намоён бўлади, яъни мисра бўгинлари асосиде унинг ритми гуруҳланади. Шу боис уларга оид фольклоршуносликда "бўгин-ритм"/слог-ритм/ тушунчаси қўлланади. Бу ҳолат қуйидаги мисолларда яққол намоён бўлган:

а/ тўрт бўгин-ритмли мисралар:

Чо - рий чан - бар = ♩ ♩ ♩ ♩
 Би - рий ан - бар = ♩ ♩ ♩ ♩

б/ беш бўгин-ритмли мисралар:

Зув - зув бо-ра-гай = ♩ ♩ ♩ ♩
 Том - дан қа-ра-гай = ♩ ♩ ♩ ♩

Бўгин-ритмларнинг қуй-оҳангларига бевосита таъсири борасида кейинги бўлимда тўхталиб ўтамиз. Шундаё килиб,шеърларни муайян рақамли /сонли / ҳижо қолиплари асосида яратилиши халқнинг дунё-қарashi,эътиқоди,рамзий тушунчалари ва ҳ.к. каториде яна эришил-ганган баъдий таъриба сифатида у ёки бу айтимни ёдде сақлаш учун ҳам хизмат қилади. Бинобарин,мунтазам ва изчил такрорланувчи бўгин-ритм қолиплари айтим намуналарини хотирага келтиришде ёки шу асосда янги намуналарни ижод этишда кўмекдош воситадир. Шу каби вазифалар шеърий мисраларнинг маълум тартибде қофияланиши-да ҳам бир қадар аҳамиятлидир. Одатда шеър мисралари ваба,вабаб, вабб каби қофияланиб,уларга /мисралар нисбатига/маълум уфғунлик, оҳангдорлик ҳам бағишлейди:

Турна десам турумли = а
 Кенг далага қўнумли = а
 Турналар учса пастлаб=б
 Ризқинг келер унумли =а

Айтимларнинг шеърӣй асослаб кўпроқ тўртлик мисралари бўлган халқ рубоӣйлари шаклида келади. Шу билан бирга шеърӣй шакллар турли жиҳатлар билан ҳам тусланиб турадики /масалан, кўшимча сўз-иборалар, унданмали қўшилмалар, кайтарик мисралар ва ҳ.к. /, бундан мақсад уларни айтим мусикасига таркибий /табий/ уйғун қилиш истиғидан келиб чиқади. Модомики шундай экан, демак бундай жиҳатлар айтим куйлари билан муштарак ҳолда ўзини тўла намоён этади. Бу борада фикр критикдан аввал айтимларнинг куй-оҳанглари алоҳида шарҳлаб ўтиш мақсадиимизга мувофиқ келади.

Айтимнинг куй-оҳанг тузилишлари. Айтимларнинг муҳим сифатларидан яна бирини куй асоси ташкил этади. Одатда, куй бир овозли шаклда ифода этилган мусикий восита, деб таърифланади. Шунингдек, куй, ўз навбатида, нисбатан тугал оҳанг тузилмаси /ёки тузилмалари/ дан иборат бўлади. Бинобарин, оҳанг куйнинг таркибий бирлиги сифатида қабул қилиниб, у ҳиссий ифодавийликни касб этади. Куй-оҳанги икки-уч ва ундан ортиқ товушлардан ташкил топиши, оҳанг тузилмаси сифатида ҳажми ярим тактдан тортиб, уч-тўрт тактгача бўлиши мумкин. Айтим куйлари таркибида бир ва бир неча оҳанг /2-4/ тузилмалари бўлади.

Куй-оҳангларининг бир қатор муҳим сифат белгилари бўлиб, уларни тузук-парда асоси, барқарорлик ва беқарорлик бирлиги, ритмусул асоси ҳамда тусланиши ва овоз ҳажми кабилар ташкил этади. Шундан дастлабки учтаси бадиий ифодавийлик касб этиши берабарда маълум куй-оҳанглари хотирада сақлашда ҳам аҳамиятлидир.

I. Тузук-парда асоси. Тузук - бу айтимнинг таянч пардаси /ёки пардалари/ га нисбатан ўзаро уюшиб келган ва маълум куй-оҳанглари асосига қаратилган муайян тартибли товушлар мажмуасидир. Демак, тузук тушунчаси куй-оҳанглари айтиш, куйлаш жараёнига бевосита боғлиқ экан. Аммо тузукни таҳлил этиш мақсадида уни ташкил этган ва куйидан юқорига қараб "зинапоя" тарзида тизиб чиқилган товушқаторига мурожаат этиш бир қадар қулайдир. Бу зинапоя ва, умуман, тузук товушларига оид "босқич", "поғона", "парда" каби атамадар қўлланилади. Халқ айтимлари асосида турли ҳажмли тузуқлар ўзага келганлигини кўрамиз. Уларда, хусусан, икки-уч пардали оҳангдан тортиб то октава ва ундан ҳам ортиқ - I. "Тузук" атамаси ўтмиш ёзма манбаъларида, хусусан, Мир Алишер Навоӣй назмида кенг қўлланган. Унинг лад тушунчасига маънодош эканлиги илк бор мусикашунос олим А. Назаров тасмонидан изоҳлаб берилган.


рок микдасли товушлар уюшмаси намозин бўлади.

Куй-оҳанг тузукларининг маълум бир товушларига /бошқа товушларга нисбатан/ кўп мартага такрорланиш ҳамда давомли ритм узунликлари билан алоҳида ажралиб туриш ҳосил, натижада улар хотирага муҳрлана бошлайди. Айтим давомияда бу каби товуш /бзи товушлар /асосий босқич сифатига эришади ва шу боис уни, мушаккашликда бош парда, таянч парда, асосий парда, тургун парда каби атайдилар. Ушбу парда аксарият ҳолларда айтимнинг /товушқаторнинг/ энг қуйи, яъни I-товушига мувофиқ келганлиги сабабли "қуйи таянч"/қуйи тоника/ деб ҳам юритилади. Аммо бэъзи айтим намуналарининг таянч пардаси қуйида эмас, балки тузук товушқаторининг марказий ва ҳатто юқори погоналаридан бирида жойлашган бўлиши мумкин:


I Мисол:

Ёр-ёр, ёрингман

УХИМ
II китоб




Бо - ви - на те - риб шаф - то - ли,



ёр, ёр ё - ринг - ман,

товушқатори



I II III

Таянч парданинг айтим жараёнидаги вазифаси серкирра ва муҳимдир. Чунончи, айтим қуйловчиси ҳар бир оҳанг жумласини тузишда ва уни ривожлантиришда асосий пардага таяниб иш тутади, демаски, ушбу парда тез-тез такрорланиб турилади, унга овозда "суянган" ҳолда турли /қуйи-юқори /баландликдаги товушларга оҳанг сакрашлари амалга оширилади ва яна тезда мазкур пардага қайтилади, "қўнилади". Шу билан бирга, таянч пардаси қуй-оҳанг тузилмалари I нота мисолларида таянч пардаси бутун нота воситасида, ярим таянч ва нотургун товушлар яримталик ва чоракталик нота чўзимларига мувофиқ ҳолда ажратиб кўрсатилди.

сўнигида ва, умуман, айтимлар якун. да доим ҳозир бўлиб, ўзига хос "нуқта-парда" вазифасини ҳам бажаради.

Айтим куй-оҳангларида таянч пардага кўмакдош бўлган ва тузук товушкаторининг П,Ш,ЛУ Ёки У /ва бошқа / боскичларига мувофиқ келувчи ярим таянч парда /шунингдек, ярим таянч, ярим таянч боскич /ёки пардалар бўлиши мумкин. Мазкур парда аслида таянч пердасини куйлаш вақтида муайян ораликка /интервалга /силжитиб, давом этдириш истагидан келиб чиқади, ҳамда куй-оҳангларининг вақтинчалик таянч товуши, кўним боскичи тарзида намоён бўлади. Ярим таянчлар ҳам давомли ритмларда тез-тез ҳозир бўлади. Аммо айтимларни бу парда асосида якунлаш ҳолати деярли хос эмас. Айни вақтда ярим таянч товушлари айтимининг бошланишида ва, айниқса ўрта қисмларида кенг қўлланилиб, моҳиятан вергул тиниш белгисини эслатади. Бинобарин, ярим таянчли пардалар куй-оҳанглари садолашишида тўла барқарорликка /тургунликка / эришмайди. Бунинг пировавридида бошқа товушлар қатори таянч пардага қараб тортилади, унга нисбатан интилади.

Ҳар бир тузук товушкаторида таянч ва ярим таянч пардаларидан ташқарида мавжуд бўлган барча товушлар мажмуаси нотургун товушларни ташкил этади. Бу товушларнинг нотургун эканлиги асосий боскичга қиёсан тингланганда яхши идрок этилади. Шунингдек, нотургунлар товушкаторининг таянч пердасидан ҳоли барча погоналарида юзага келиши мумкин. Зеро нотургун товушлар – бу айтим жараёнида таянч пердасини вақтинчалик тарқ этилиши ва унга маълум интервал нисбатда жойлашган ўзга товушлар воситасида куйлашни давом эттириш истагидан келиб чиққандир. Нотургун товушларга осойишталик ҳисси хос бўлмаганлиги боис улар асосан куй-оҳангларининг ривожланиши ҳаракатларида қўлланади ва доим осойишталикка эришиш мақсадида таянч пердасига тортилиш /ечилиш / кучини намоён этиб туради.


П. Барқарорлик ва бекарорлик бирлиги /инвариант-вариант / Куй-оҳанглари айтим жараёнида сўз /шеър / билан бирга ижод қилинсада, аммо улар /оҳанглр/ сўзга нисбатан маълум барқарорликни касб этади. Бунини шундай тушунмоқ керак: бирон-бир айтимининг куй-оҳанглари деярли ўзгармасдан такрорланиб тургани ҳолда унинг асосида куйланаётган шеърини турткилар ҳар гал янги ва янги мазмунлар /сўзлар/ни баён этиши мумкин. Бу ҳол албатта куй-

оҳангларини хотирада ушлаб, туриш эҳтиёжига ниҳоятда мувофиқдир. Шу билан бирга, халқ оғзаки мусика ижодида шундай куй-оҳанг "андоза"лари /идеёлари/ ҳам барқарор шаклланганки, улар маълум вази-ят ёки шароит тақозоси билан боғлиқ равишда хотирага солинади, яъни шу асосда куйланади. Бундай андозаларнинг учта асосий кўри-нишларини алоҳида кўрсатиб утамиз:

- I. Куйи оқимли оҳанг андозаси /мунгли оҳанг, йиги оҳанги ёки "ёр-ёр модели" ҳам дейилади/;
- II. Сўздош /нутқдош / оҳанг андозаси;
- III. "Қоринма" ёки "аралаш"/тулкинсимон/ оҳанг андозаси.

Куйи оқим оҳанг қолипи, одатда, оилавий маросим айтимлари-да кенг қўлланилади. Унинг келиб чиқиш манбаъси йиги оҳанглари бўлиб, хусусий сифат белгиси кичик учлик /кичик терния/камрови-даги товуш-пардаларини III-II-I тартибда уюшиб келиши билан тав-сифланади.


2 Мисол:



Мунгли тузук/минор лади маъносида /қарор топишида муҳим ўрин тутган маъкур оҳанг андозаси асосан аёллар ижодида салмоқ-ли ўрин тутади. Шунинг назарда тутиб, уни "аёллар оҳанг лугати" ҳам дейилади.

Сўздош оҳанг андозаси келиб чиқиш манбаъсига кўра инсон овозида сўзларни талаффуз этиш, аниқроғи ифодавий сўзлаш, нутқ айтиш жараёнида ҳосилланган оҳанглarga бориб тақалади. У купрок кварта-квинта ҳажмли тузукда намоён бўлиб, ёндош /секунда/ ва тўртлик /кварта/ оралиги пардаларида хос садоланади.

3 Мисол:



II I II У IU III IU III IU I

Сўздош оҳангнинг яна бир кўринишини шодлик ҳайқириклари, турли чақирик ва жер солиш каби вазиятларда юзага келган кенг камровли оҳанг сакрешлари ташкил этади.

4 Мисол:



Сўздох оҳанглarning халк айтимларида қўлланиш ўрни ниҳоят-да кенг қўламлидир. Хусусан, уларни бахшиларнинг термаларида, меҳнат жараёнида деҳқонлар ёки чорвадорлар томонидан айтилган қўшиқларда, шунингдек, турли фасл ва мавсумларга оид айтимларда ҳамда болалар қўшиқларида қўлланганлигини идроклаш мумкин. Ҳисҳаяжонга тула монолог ёки диалогни ёдга солувчи нутқдох оҳанглар эса касбий мусика намунаси бўлган катта ашулаларда ёрқин намён бўлади.

"Қоринма" оҳанг андозаси ўзида йиғи/мунгли/ ва сўздох оҳанглари таркибий уйғун этади, яъни унда қуйи оқим оҳанги /мунгли учлик/ билан ёндош-сакрама /секунда-кварта/ҳаракатли оҳанглар пайваста этилган бўлади. Мазкур уйғунлик пировардида тўлқинсимон қуй-оҳанглarning қолипи юзага келиб, у гуё қалб кардиограммасини ёдга солади.

5 Мисол:





Ушбу оҳанг андозаси дил туйғуларини ифода этишга хизмат қилиб, асосан сулим /лирик/ кайфиятли айтимларда қўлланилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кўриб ўтилган оҳанг андозалари айтимларда турлича ўзгаришларга учрайди. Ҳар бир ижрочи/айтимчи/ у ёки бу қолипдан муқим модел, инвариант сифатида фойдаланаркан, унга ўз истеъдоди ва имкониятлари юзасидан ёндошади, уни вариант этади, ривожлантиради. Ҳудди шу вазиятда оҳанг қолипи берқарор асос /инвариант/ бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, айтимларнинг қуй-оҳангларида кузатиладиган ўзгаришчанлик /беқарорлик/ ҳолатлари аслида уларда мавжуд бўлган берқарор ва муқим анъана тўғайли идрок этилади. Ўз навбатида, берқарорликка дахлдор оҳанг қолипи эса бир турга оид айтимларнинг бир неча вариантларини ўзаро қиёслаш услуби орқали аниқланади. Зеро айтим




жараёнида соф ҳолдаги оҳанг инвариантлари намоён бўлмайди, улар доимо вариантлик билан узаро боғлиқ юзга келади. Масалан, қуйидаги нота мисолларидан урин олган айтим намуналари узаро фарқли бўлса-да, аммо уларнинг асосида ягона оҳанг андозалари ётади.

6 Мисол:

А н д о з а /инвариант/




7 Мисол: . А н д о з а




8 Мисол:

А н д о з а




I П I Ш П II

а/ Булмагунча




Иш-қинг- да куй - мас ҳеч - ким




де-во - на бул - ма- гун - ча.

б/ Ганжи Қора Бор



Ган - жи қо - ра бор - дан



гал-дим қо - шинг - га,


Демак, айтимларнинг куй-оҳангларида намоён бўлаётган инвариант-вариант ҳодисаси доимо муштарак бўлиб, халқ оғзаки мусика намуналарининг яшаш қонуниятлари қаторида қаролмоғи лозим.

Ритм асоси. Айтимни ташкил этган товушларни вақт жиҳатдан муайян тартибда узаро боғланиб келиши ритм омили воситасида амалга ошади. Халқ айтимларида ритм омилининг учта асосий кўриниши юзага келган бўлиб, уларнинг ҳар бири хусусида тўхталиб ўтамиз.

I/ Куй-оҳанг ва шеър ритмлари умумий бўлган синкретик айтимлар. Бундай айтимларда оҳанг ритм тузилиши шеърдаги бўгинлар сонига мувофиқ бўлади, яъни мисралардаги ҳижолаарга бевосита боғлиқ ҳолда оҳангнинг ритм асоси кифалананади. Бу ҳам оҳангни хотирага келтириш воситаларидан биридир.

9 Мисол:

Чарх



Чар-хим та-ноб

таш-лай -ди

2/ Куй-оҳанглар ритмида ҳам сўз, ҳам уйин /ракс/ҳаракатларнинг таъсири мужассам бўлган синкретик айтимлар. Бу турдаги айтимлар шаклланишида бармоқ вазни билан бирга яна ракс ва умуман, уйин ҳаракатларидан келиб чикувчи ритмлар ҳамда уларнинг доира, қарсақ ва ботқа зарбли усулларда зуҳур бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, куйидаги мисолда куй-оҳанг ритми, бир томондан, шеър мисраларидаги бугинлар сонига бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, зарб усулида зуҳур этилган ритм birlikлари асосида ўзаро боғлангандир.

IO Мисол:

Ергинам

The musical notation for Example 10, 'Erginam', is presented on a grand staff. The upper staff uses a treble clef, a key signature of one sharp (F#), and a 2/4 time signature. The melody consists of quarter notes: E4, G4, A4, B4, C5, B4, A4, G4, F#4, E4. The lower staff uses a bass clef and a 2/4 time signature, with notes: E3, G3, A3, B3, C4, B3, A3, G3, F#3, E3. The lyrics 'Ер - ги - нам хов - ли о - либ - ди,' are written between the staves, with hyphens indicating syllables across notes.

3/Куй-оҳанг ритми муסיкийликка /куйчанликка /"бўйсунган" айтимлар. Ушбу айтимларда синкретизм қонуниятлари ўз кучини йўқота бошлайди, зеро оҳангларнинг ритм жиҳатдан тузилишида шеър бугинларининг сони эмас, балки сўзлар воситасида куйлаш тамойили кучаяди. Натижада шеърнинг ўзида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади, унинг мисраларига куйчанлик бағишловчи кўшимча сўз-иборалар, ундовли ундалмалар /масалан, ёр, ёрей, жон, жонимей ва ҳ.к./қўшилади, куй ва сўз муносабатларида ўзаро турли шаклга эга ритм тузилмалари юзага келади. Бундай муносабатлар куй, сўз ва зарбусуллари орасида ҳам юзага келиши мумкин.

II Мисол:

Кизил гул тегиси

The musical notation for Example 11, 'Kizil Gul Tegisi', is presented on a grand staff. The upper staff uses a treble clef, a key signature of two sharps (F# and C#), and a 6/8 time signature. The melody consists of quarter notes: E4, G4, A4, B4, C5, B4, A4, G4, F#4, E4. The lower staff uses a bass clef and a 6/8 time signature, with notes: E3, G3, A3, B3, C4, B3, A3, G3, F#3, E3. The lyrics 'Қи - зил гул та -' are written between the staves, with hyphens indicating syllables across notes.

Айтим шакллари. Айтим шакллари шеър ва куйнинг узаро пай-
васта бўлишдан юзага келиб, шулардан банд, банд-нақарот ва айти-
шув кўринишлари кенг қулланилади.

Банд шакли узиде шеърый тўртлик ва унга мувофиқ оҳанг ту-
зилмаларини мужассам этади. Бунда айтим мисраси - банднинг тар-
кибий шакл бирлиги сифатида қабул қилиниб, у бир шеърый мисра
ва унга бириктирилган оҳанг тузилмасидан иборатдир. /9 Мисолга
қаранг /. Банд шакли айтимларда ҳар бир шеърый мисрага алоҳида-
алоҳида оҳанг тузилмалари монанд келиши ёки барча мисралар яғо-
на оҳанг тузилмаси асосида айтилиши мумкин. Бу муносабатларни ку-
йидагича схема-шаклларда тасвирладик:

а/шеър мисралари : $\frac{I}{A} \quad \frac{II}{B} \quad \frac{III}{C} \quad \frac{IV}{D}$
оҳанг тузилмаси:

б/шеър мисралари : $\frac{I}{A} \quad \frac{II}{A_I} \quad \frac{III}{A_{II}} \quad \frac{IV}{A_{III}}$
оҳанг тузилмаси:

Банд шакли айтимлар бир неча шеърый тўртликлардан иборат
бўлса, у ҳолда уларнинг барчаси дастлабки банд куй-оҳангларига
боғланади:

шеър тўртликлари : $\frac{I}{A A_1 B A} \quad \frac{II}{A A_1 B A} \quad \frac{III}{A A_1 B A} \quad \frac{IV}{A A_1 B A}$
оҳанг тузилмалари:

Айтимларда қулланган бошқа шаклларнинг деярли барчасида
ҳам банд шакли хусусиятлари мавжуд. Хусусан, "савол-жавоб" тарзи-
даги айтишув шакли бир банд учун хос бўлган умумий оҳанг тузил-
малари асосида айтилиши ва камдан-кам ҳолларда алоҳида бандли
куй-оҳангларига қурилган бўлиши кузатилади.

Нақаротли айтимлар ҳам банд шаклига таънади. Бунда нақар-
ротлар бандларга нисбатан ҳам сўз, ҳам куй-оҳанглари жиҳатидан
барқарорлик касб этади. Шунингдек, нақаротларнинг турли хиллари
мавжуд. Хусусан, кичик ва катта /мустақил/ нақаротларни фарқлаш
мумкин. Кичик нақаротлар ўрнида ҳар бир шеърый мисра сўнгида
такрорланувчи сўз, ундовли ибора ёки банднинг икки мартаба
такрорланувчи сўнги мисраси/ёки мисралари/ ва шунга ўхшаш ҳо-
латлар келиши мумкин. Катта /ёки асл /нақаротлар бандлардан
айри ҳолда бўлиб, шеърый бандлар орасида ёки ҳар бир шеърый
тўртлик олдидан айтилади. Бундай нақарот шеърый тўртлик, икки

мисра ёки бошқа шаклда бўлиши, куй-оҳанглари жиҳатидан банд оҳангларидан фарқ этиши мумкин.

Халқ мусикасининг таснифи. Хилма-хил муסיкий фольклор намуналари халқ ҳаётида тутаётган ўрни ва бажарётган вазифаларига мувофиқ ҳолда икки гуруҳга тақсим этилади. Бу гуруҳларга куйдагича умумий номлар бериб, таърифланади:

I. Ижро этилиши турли вазиятлар билан шартланган куй-қўшиқлар;
II. "Эркин мавзули" куй-қўшиқлар.

Биринчи гуруҳ муסיкий фольклорини муайян вазиятлар билан бевосита боғланган меҳнат жараёни ҳамда мавсумий ва оилавий маросим куй-айтимлари ташкил этади. Демак, бу гуруҳ намуналарининг ижро этилиши учун шунга мувофиқ вазият ёки шарт-шароитлар мзага келган бўлиши тақозо этилади. Масалан, "Алла" айtimi чакалокни /бешиқда/ ухлатиш вазияти билан боғлиқ ҳолда мзага келса, "Ёр-ёр" айtimi никоҳ тўйида келинни "узатиб" бориш вақтида куйланади ва ҳ.к.

Меҳнат қўшиқлари

Меҳнат қўшиқлари - халқ оғзаки ижодининг қадимий намуналаридан бирини ташкил этади. Бу турдаги айтимлар инсон фаолиятининг турли жабҳалари /масалан, ер ҳайдаш, тегиримон янчиш, ип йигириш ва ҳ.к./ да ижод этилган бўлиб, турфа аҳамият касб этиб келган. Хусусан, бу айтимлар меҳнат жараёнини бир маромда ушқоқлик билан бажаришга қўмак бериши қаторида яна меҳнатчи қалбига қўтаринкилик қайфиятини жо қилган, руҳий далда бўлиб хизмат қилган. Меҳнат айтимларининг ижтимоий қўлами узок ўтмишда яшаган авлод-авлодларимиз учун янада кенг бўлган. Бу тоифа айтимлари турли топиниш ва эътиқодлар билан боғлиқ расм-русм ва маросимларнинг таркибий қисми сифатида ҳам намоён бўлиб келган. Ҳар ҳолда бизга қадар этиб келган меҳнат айтимлари мисолида шунга ишора этувчи аломатлар сақланиб қолганлигини айтишимиз мумкин. Аммо шунинг ҳам инobatга одмоқ керакки, халқимизнинг дунёқарашида салкам бир ярим минг йил вақт мобайнида содир бўлган ўзгаришлар натижасида аксарият меҳнат қўшиқлари маълум трансформацияга учраган, баъзилари эса /муайян меҳнат турларининг ижтимоий аҳамияти ўз кучини йўқотиши бароберида /, умуман унутилгандир:

Ҳозирда бизга маълум бўлган меҳнат қўшиқларини таърифлашга киришар эканмиз, уларга хос қўйидаги таснифий белгиларни алоҳида

кўрсатиб ўтамиз:

а/меҳнат кўшиқларида кўрсозлик вазифасини бажарувчи мусиқий ҳама-гуналар қўлланилмайди;

б/уларнинг куй-оҳанглари кичик овоз /кварта, камрок - квинта/ до-ирасида бўлиб, меҳнат мазмунига боғлиқ шеърӣй тўртликлар асоси-да яққоҳон томонидан айтилади;

в/меҳнат кўшиқларида шеърӣй бандлар олдидан ёки улардан сўнг мустекил нақаротлар деярли қўлланилмайди, аммо банд мисраларига уланиб келувчи махсус такрорӣй сўз-иборалар /масалан, хўш-хўш, турей-турей, майда-майда ва ҳ.к./ қўлланиши пировардида нақарот-симон аҳамият касб этиши мумкин;

г/ритм воситаси етакчи омиллардан бири бўлиб, "еттилик" бўгин-ритм тузилмаси етакчи ўрин тутади;

д/айтим куйларида нутқдош ва сўздош оҳанглар бирламчи аҳамият касб этади.

Бажарилмаётган меҳнат турига кўра таърифланаётган айтимлар-ни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Чорвадорлик кўшиғи;

II. Деҳқончилик кўшиғи;

III. Ҳунармандчилик кўшиғи.

Чорвадорлик кўшиқлари аҳолининг чорвачилик билан боғлиқ турмуш тарзи ва меҳнати жараёнида шакл топган. Уларнинг бизгача етиб келган намуналари асосан "соғим кўшиқларидан" иборат, яъни бу айтимлар сигир, бия, туя, эчки каби уй ҳайвонларини соғиш пай-тида куйланади. Соғим кўшиқларининг турли хиллари ва шунга му-вофиқ номлари ҳам мавжуд. Масалан, қора молни соғишда "Хўш-хўш", куй-эчкиларни соғишда "турей-турей", "чурей-чурей" каби атадув-чи махсус айтимлар куйланади. Маъқур номлар эса шу айтимларда нақарот сингари такрор бўлувчи сўзлардан олинган бўлиб, соғила-ётган жониворни тинчлантириш, эркалатиш, ийдириш ва бошқа мақсад-ларда қўланади.

Соғим кўшиқлари одатда тўртлик /кварта/ ёки бешлик/квинта/ пардалари қамровида оҳиста куйланади. Бунда куй-оҳанглари асосан ёниа-ён жойлашган поғоналар билан садоланади. Бу каби хусусиятлар бизга келишини эса айтим вазияти ва ундан кўзланган асосий мақ-сад тақозо этади - соғувчи жониворни майин товушлар билан ийди-риб, кўп сут соғиб олиши керак. Мисол тариқасида "Хўш-хўш" айти-мига мурожаат қилайлик.


12 Мисол:

Хўш-хўш


Нотага олувчи
Н.Таштемиров




Хўш, хўш, хўш, хўш ол бо-ланг-ни хўш, хўш,



па-қир ту-либ сут берсин Хўш жоним хўш, хўш



бор-ган е-ринг ут бўлсин хўш, хўш, хўш, хўш



ба-ло қа-зо йуқ бўлсин хўш, хўш, хўш, хўш.

Туртлик/соф кварта /пәрдаси ҳажмида бўлган ушбу айтиминин куй негизини кичик учликдан иборат оҳанг тузилмаси /формуласи/ ташкил этади. Тузилма дастлаб иккинчи такт давомида шаклланиб, кейинги тактларда ритм ва оҳанг-парда жиҳатдан ўзгариб туради, ҳамда ҳар гал ўзининг асосий таянч пәрдаси -"ля" товуши билан яқунланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, соғим кўшиқларида қадимий даврлар да эътиқод қилинган "сеҳрли" ракамлар ва ўлар билан боғлиқ афсун ўқиш ҳолати ҳам маълум аксини топган эди. Ҳар бир чорвадор ўз оиласини "тебратиб" турган қора молни кўз тегизидадан. Эки ёву руҳлар назаридан саклаш чораларини ахтарган. Шу мақсадда, хусусан турли ирим-сиримлар амалга оширилган, ситир шоҳига, буйнига "назарни" даф қилувчи туморлар осийлган ва, ҳатто, соғим айтимларининг "ўқилиши" ҳам маълум маънода дуо афсуни ҳисобланган. Соғим шеърларида учрайдиган айрим жумлалар мазмуни, уларда қулланган бармоқ вазни ҳамда уларнинг мантикий моҳияти шунга ишорадир. Жумладан, "Хўш-хўш" айтимида бугинлари 4 ва 7 ҳижоли шеър мисралари муҳим аҳамият касб этади. Бу ракамлар эса авлод-аждодларимиз орасида алоҳида эътиборли бўлган эътиқод сонлари сифатида

ёвзозланган. Чунончи, "тўрт" ракам.. тўрт томон, тўртфасл каби тушунчаларни билдириши билан бирга энг аввало саломатлик рамзи ўрнида қўлланган. Бундай рамзий маъно эса "тўрт муча", яъни "тўрт мучанг соғ булсин" иборасидан келиб чиқади. Бинобарин, соғим айтимида "хўш" сўзининг тўрт маротаба такрорланиши билан қора молга ёмон кўзлардан доим омонда бўлишлик илтижо қилинмоқда, дейиш мумкин. Шу ўринда табиий савол тугилади: чорвадор қора молни асраш учун қимга илтижо қилмоқда? Бу саволга жавоб эса айтимида: кенг ўрин тутган "етти" эътиқод ракамнинг рамзий маъносидан келиб чиқади. Шундайки, қадимда туркий халқлар етти қароқчи ёлдузлар /етаган ёлдуз/ни ҳомий руҳ деб эътиқод қилганлар. Бу ҳусусда айтилган афсона ва ривоятларга кўра, етти қароқчи ёлдузлар /бошқача номланиши - етти ақа-ука, етти қария, етти азизлар/ ўз алини ёвуз душмандан ҳимоя қилган. Шу билан бирга, етти ҳомий - қадимги одам тасаввурида доимий мададкор, деб тушунилиб, бунинг оқибатида еттилик анъанаси халқ турмушига узвий сингиб кетган ва турли ҳўринишдаги сизгиниш удумланини келтириб чиқарган/масалан, руҳлар шарафига етти пилик ёкиш, маълум ҳаракатни етти марта такрорлаш, етти нон ёпиб арвоҳларни "зиёфат" қилиш ва ҳ.к./, ҳамда фольклор намуналарида махсус ракам "қоди" сифатида намоён бўлган. Бу каби ҳолатлар чорвадорлар орасида ҳам кенг ёйилган эди. Чунончи, оқшом пайти, ёлдузлар кўринган чоғи соғилган сизгининг сутидан етаган ёлдузлари ҳақиқа ерга сут томизилган ва бу крим ҳозир ҳам учрайди.³ Демак, соғим кўшиқларидаги "еттилик" мисралари замирида кўпинча ҳомийга муурожаат ётади:

Па - кир ту - либ сут бер - син = 7

Ба - ло қа - зо йуқ бул - син = 7

"Хўш-хўш" айтимидан ўрин олган 4 ва 7 бўгин-ритмили мисралар аксарият уй хайвонлари билан боғлиқ айтимларда /Кўш хайдаш, кўй соғиш, хирмон янчиш ва б./ муким учрайди. Масалан, кўй соғиш пайтида қуйланган "Турей-турей" айтимини олайлик. Унда, жумладан, чорвадор "еттилик" асосида кўйни эркалатиб, ийдирашкан, ҳар галги мақтовдан сўнг "кўз тегмасин", "омон бўлгин" маъносида "турей-турей" бўгин тўртлигида афсун айтиб туради. Натижада 7 ва 4 ҳижоли

1. Н. Мураев. Ўзбек халқ эртақларида "сеҳрли" ракамлар. - Тошкент: Ёан, 1991, 76-77 б.

2. Мазкур адабиёт, 107, 126 б.

3. Мазкур адабиёт, 112-113 б.

вазнлар кўшилмасидан иборат II бугин тузилмаси келиб чиқади:

Куй ичида корасан /7/ турей-турей /4/ = II

Ақлисан, доносан /7/ турей-турей /4/ = II

Шунга ухшаш мисолларни таъриф этилган айтимларда кўплав кузатиш мумкин. Аммо шунинг ҳам айтиш лозимки, 4 ва, айника, 7 вазнли бармоқ шеърийати кейинги даврларда яратилган ва маросимлар билан боглик бўлмаган айтимларда ҳам кенг қўлланилаверган. Аммо диний дунёқарашларнинг ўзгариши билан бу рақамларга йўғрилган эътикод ўз кучини йўқота бошлади ва эндиликда халқ ижодкорлиги борасида эришилган бадиий тажриба сифатида айтимларда сакланиб қолди.


Дехқончилик кўшиқлари ҳам меҳнат айтимларининг салмоқли қисмини ташкил этади. Уларга оид намуналар эса дехқончиликнинг турли фаолиятлари билан боглик ҳолда ижод этилган. Жумладан, ер ҳайдаш пайтида "Қўш ҳайдаш" қўйланган бўлса, ҳосилни уриб олишда "Урим қушиги", хирмон янчилигида эса "Қўп майда" ёки "Майда, майда" кўшиқлари айтилган.

"Қўш ҳайдаш" кўшиги ҳўкизга қўшилган омончи бошқариб бораётган дехқон томонидан қўйланади. Унда шеърий тўртликлар мазмун жиҳатдан вазиятга дахлдор ҳолда /масалан, дехқоннинг ер ҳайдаш меҳнати билан боглик ташвишлари, ҳайвонга муносабати, меҳнат машаққати ва ҳ.к./бадиҳа этилган. Ушбу кўшиқ, соғин айтимларидан фарқли ўлароқ, баралла овоз билан айтилиши мумкин. Чўнки дехқон кўшиқ воситасида ўзига ва ҳўкизига далда беришни мақсад қилади, ҳамда меҳнат иштирокчилари ҳаракатини ўзаро мутаносиб бўлишига кўмак берган бўлади. "Қўш ҳайдаш" айtimi "савол-жавоб" тарзини ёдга солувчи икки сўздох хўсўсиятли оҳанг тузилмаларидан иборат. Биринчи тузилма икки пардадан ҳосил этилган "ундалма" оҳанг бўлиб, ҳар гал сўрокловчи "си" пардаси билан яқунланади /IЗ Мисолдаги I-II ва IV тактлар/. Унга жавобан келувчи кичик учлик ҳажмидаги иккинчи оҳанг тузилмаси эса айтимнинг асосий таянч пардаси - "фа-диез"ни тасдиқ этиб туради /Ш-У тт./. Иккала оҳанг умумлашмасидан тўртлик ҳажмидаги тузуқ қарор топади.

IЗ Мисол:

Қўш ҳайдаш

Нотага олувчи
Н. Тўштемиров



Дар-ё -нинг нарё-ри - да қўш ҳай-да-дим,

Куш хай-да-дим Ку-лоч йу-лин йу-ко-тиб
буш хай-да-дим.

"Куш хайдаш" айтимига хос аксарият бадийй жиҳатлар хирмонда бугдой дони ёки арпа поляларини янчиш вақтида куйланувчи "Хуп хайда" / ёки "Майда, майда"; "Хуп майда" / кушиқларида ҳам яққол намоён бўлади.

14 Мисол: Хуп хайда парча / Нотага олувчи Н Тоштемиров

Чу хо-ни -вор хуп хайда, ай, хуп хай-да - гил,


Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги пайтда деҳқонларнинг меҳнати механизациялаштирилиши муносабати билан бу жараёнга оид айтим намуналари унутилиб борилмоқда. Бунга, масалан, авваллари айтилган ўрокчилар кўшиғи / "Урим кўшиғи" / мисол бўла олади. Бу турдаги кўшиқлар, анъанага кўра, асосан куз пайтларида мул ҳосилни ўриб олиш вақтида деҳқон томонидан айтилган.

Меҳнат жараёнига мансуб айтимларнинг яна бир туркумини хунармандчилик кўшиқлари ташкил этади. Бу намуналар асосан чарх/ип/йигириш, гилам тўкиш, дўппи тикиш каби меҳнат вазиятлари билан боғлиқ хотин-кизлар ижоди бўлиб, чорвадорлик ва деҳқончилик кўшиқларига нисбатан кейинроқ шакллангандир. Бинобарин, уларда меҳнат айтимлари учун янги бўлган бадийй жиҳат ва хусусиятларни кузатиш мумкин. Бироқ шуни ҳам инобатга олмоқ керакки, бизга қадар етиб келган хунармандчилик айтимлари турли тарихий даврларга тааллуқли бадийй ва бoshка унсурларни намоён этади. Бу ҳол уларнинг шеърый мазмунидан ҳам сезилиб туради. Чунончи, айтимнинг нисбатан кўҳна намунаси мавзу жиҳатдан меҳнат вазияти билан қатъий чекланиши, куй-оҳанглари эса юқорида кўриб ўтилган меҳнат айтимлари садоларига яқинлиги ва унда еттилик бугин-ритми қўлланганлиги билан тавсифланади. Шунга оид мисолни ип йигиришда куйланган "Урчук" айтимида кўра миз. Мазкур айтим ёндош поғоналардан таркиб топган кичик учлик шаклидаги оддий оҳанг тузилмаси негизда янграйди.

15 Мисол:

Уруқ
/парча/

Нотага олувчи
Н. Тоштемиров



Э-шик ол-ди -да кум -лоқ Менинг и-пим ю- ма- лоқ,


Хотин-қизлар чарх йигириш, гилам туқиш, дуппи тикиш сингари давомли меҳнатни бажарар эканлар, беихтиёр шахсий ҳаётлари билан боғлиқ ҳолатларни, руҳий кечинма ва дардларини айтим орқали "ёза" бошлайдилар ва шу тариқа меҳнат қушиқларига лирик туйғулар кириб боради. Шундай қилиб, меҳнат мавзуи билан бошланган айтим мазмунида "дил ёзди" оҳанглар намоён була бошлайди, еттилик тузилмасига улашиб, янги сифатли, тулқинсимон куй-оҳанглари садолана бошлайди!

Хунармендчилик қушиқларининг энг кейинги /яъни янги давр / катламларига мансуб баъзи айтимларда танланган жанр микёсидан четга чиқиш ҳоллари ниҳоятда кучайганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, куйида намуна келтирилган "Чарх" айтими ялла хусусиятлари билан сугорилганки, натижада у меҳнат жараёнидан кура кўпроқ ракс уйини билан ижро этилиши табиийроқдир. Одатда, шу каби айтимлар саҳнавий ижро шакли учун мулжалланган бўлса, унда доира ва бошқа жүрсоз чолгулар қўлланилади.


16 Мисол:

Чарх
/парча/


Нотага олувчи
Н. Тоштемиров



Чар- хим та - ноб таш - лай - ди,



уй - нанг ёр, уй- нанг , бир ба - ло - ни



бош - лай - ди уй- нанг ёр уй - нанг.

Мавсумий маросим кўшиклари

Ўзбек халқининг узун ўтмиши давомида турли маросим ва ўрф-одатлар шаклланган бўлиб, уларда халқимизнинг дунёкараши, ҳаётий воқеликка муносабати, орзу-истаклари ва, умуман, маънавий дунёси ўзига хос инъикос этилгандир. Шунингдек, кўп асрлик тарих жараёнида халқимизнинг дунёкараши билан боғлиқ маълум ўзгаришлар ҳам бўлиб турганки, бунинг оқибатида баъзи маросимлар унутилиб юборилган. Ана шундай маросимларнинг аксарияти кўҳна ҳаётга тааллуқли бўлиб, йил фасллари ва меҳнат мавсумларига боғлиқ ҳолда ўтказилар эди. Фольклоршунос олимларимизнинг берган маълумотларига кўра турт фаслга оид куйидаги маросимлар ўтказилган:

а/киш фаслида - Яс-ўсун, гап-гаштак;

б/баҳор фаслида - Наврўз байрами, Шох мойлар, Сушт хотин;

в/ёз фаслида - Чой момо;

г/кўз фаслида - Обла барака, Шамол чақирш. ¹

Мавсумий маросим кўшиқларининг энг кўп намуналари гузал баҳор фасли ва ундаги асосий сана - Наврўз байрамига боғлиқ ижод этилган. Эътиборли жойи шундаки, бу тоифа намуналар асосан болалар фольклори таркибида бизгача етиб келган. Чунки болалар ҳам катталар қаторида аксарият маросимларда қатнашиб келганлар. Ўрта Осиё халқлари ислом динини қабул этиши муносабати билан ғайри эътикодга асосланган маросимлар ўзининг ижтимоий моҳиятини йўқота бошлади. Аммо бир қатор маросимларнинг маълум воқелик ўйинларига асосланганлиги пировардида болалар табиатига ниҳоятда мос эди ва шу жиҳатдан ҳам улар фаолиятида сақланиб қолган. Хусусан, "Бой-чечак", "Лайлак келди", "Қалдирғоч", "Читти гул", "Ок теракми, кўк терак" каби ҳозирда маълум ўйин-кўшиқлар шу тарзда бизгача етиб келди. Эндиликда кўпроқ бадий қизиқиш уйғотаётган яна бир қатор мавсумий маросимлар эса /жумладан, Сушт хотин, Шох мойлар, Аргимчо ва б./ фольклор-этнографик ансамбллари томонидан қайта тикланиб, "саҳнавий" курунишларда ижро этила бошланди. Шунини ҳам айтиш керакки, гарчанд у ёки бу маросим эндиликда ўз мавқеини йўқотган бўлса-да, аммо улар ижтимоий бадий тафаккур ривожига маълум аҳамият касб этиб келган. Шу уринда мавсумий маросим айтимларига хос бўлган жиҳатларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Хусусан, уларда:

1/нисбатан кенг ҳажмли куйлар шакл топди, овоз доираси октавага қадар ортиб борди ҳамда ушбу куйлар асосида янги сифатли оҳанг

¹ Ҳазрат Абдураҳмон Қўшиқчи. Ўзбек фольклори очерклари. I том. - Тошкент: Фан, 1988, 155-156б

тузилмалари юзага келди;

П/кўшиқчиликнинг яккаҳон ва жамоавий айтиш шакллари кенг намоён бўлди;


Ш/айтимларнинг айтишув ва банд-нақарот шакллари юзага келиб, улар асосида кейинчалик лапар ва ялла жанрлари қарор топди;

У/доира ва бошқа жүрсозларнинг қўлланиши кенг тус ола бошлайди ва бунинг натижасида зарб усулли куйлар шакллашуви жадаллашади.

Мавсумий маросим айтимларида эришилган муҳим жиҳатлардан бирини янги сифатли куй-оҳанглари ташкил этади. "Янги сифат" мазмунида сакрама оҳанглар тушунилиб, уларнинг келиб чиқиши баҳор мавсуми ва Наврўзни дараклаш мазмуни билан боғлиқдир. Маълумки, ўтмишда баҳор элчилари сифатида айрим кўш /лайлак, турна, қалдирғоч/ ва кўклам ўсимликлари /бойчечак, бинафша ва б./ алоҳида эъзозланган ва, ҳатто, улар билан боғлиқ турли ишонч ва қарашлар ҳам шаклланган. Масалан, эрта баҳорда Лайлакни кўриш бахтдан нишона бўлса, лайлак учиб келган томондан қелган одам кишлокка қут-барака келтиради, деб эътиқод қилинган. Турналар ҳам кўп нарсадан "дарак" берган. Чунончи, барвақт учиб келган турна эрта баҳорни даракласа, пастдаб учган турна ризк-рўзгор унумли бўлишини аңлатган ва ҳ.к. ¹ Иримга кўра, баҳор элчиларини биринчи бўлиб кўрган одам бу ҳақда бошқаларни ҳам тезроқ хабардор этиши лозим эди. Шу мақсадда "хушхабарчилар" баланд жойларга чиқиб, махсус хайкириқлар ила атрофга жар солишган. Хушхабарни эшитган каттаю-кичик тўпланишиб, бу ҳақда кишлокма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла "жар солиб" юришган. Шунга ўхшаш вазият кўклам ўсимликлари униб чиқиши билан ҳам боғлиқ юзага келган. Чунончи, Наврўз кунининг даракчиси бўлган бойчечак /чунки унинг униб чиқиши Наврўз кунига тўғри келади/ ўсимлигини қир-адирлардан топиб келганлар ва хонадонма-хонадон юришиб, бойчечак айтимини "жар солишган". Уй эгалари жарчиларга турли таом ва ҳадялар беришган. Бинобарин, сакрама оҳанглар худди ана шу жар солиш вазиятида шакл топган эди. Жар солишнинг куйдаги инъикоси бўлган бу тоифа оҳангларни шартли равишда "жарчи оҳанглар", "даракчи оҳанглар" ёки "хабарчи оҳанглар" каби аташ мумкин. Жарчи оҳанглар асосан меҳнат айтимларида етакчи бўлган ёндош пардалар билан омухта келиб, тўрт парда /соф кварта/, баъзан эса беш парда оралигидаги товуш сакрашларини ташкил этади. Одатда, сакраш нуктаси тузуқнинг марказида бўлади. Тузувчилар: Т. Мирзаев, М. Жураев. - Тошкент: Фан, 1992, 85-90 б.

зий пардаларидан бири /IU, гоҳо " поғона/ га урнашган бўлиб, ҳам куйи /IU-I; У-П/, ҳам юкори /IU-УП; У-УШ/ йуналишда амалга оширилади.

I7 Мисол:



IУ- I IУ - УП

Бу каби сакрашлар натижасида умумҳажми кичик еттилик ёки соф саккизлик оралигини камраб олувчи тузуклар ҳосил этилади. Бирок бундай тузуқларнинг товушқаторлари таркибида ўзгача ҳолатлар ҳам юзага келиб турадики, уларни муайян мисолларда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

"Лайлак келди" кўшиги лайлак учиб келиши муносабати билан том бошида айtilган /УХМ, Ш том, 463-465 б./ Унда дарақчи оҳанглар қўлланиши билан соф октава даражасида тузук ҳосил этилган. Аммо бу тузуқнинг хусусияти шундаки, унинг товушқаторида IУ-боскич /айтим сўнгида "тасодифий" келиши назардан соқит қилинса/ товуши ишлатилмайди. Натижада октава ҳажмида бўлган нотулик товушқатор ҳосил этилади. Кўшиқнинг шеъри ааба тарзида кофияланган банд шаклида бўлиб, нисбатан тугал уч оҳанг тузилмасига мутаносиб этилган. Уларнинг биринчи банддаги нисбати шундай кўринишга эга:

шеър мисралари : $\frac{a}{a} - \frac{a}{a} - \frac{b}{b} - \frac{a}{a}$
оҳанг тузилмалари: $\frac{a}{a} - \frac{a}{a} - \frac{b}{b} - \frac{a}{a}$

Шеърнинг I- ва 2-мисралари куйи сакрамали бир оҳанг тузилмасида /I-IУ тт./, 3-мисра - ҳам куйи, ҳам юкори сакрамали оҳанг тузилмасида /У-УI тт./ ва, ниҳоят, 4-мисра пентатоника хусусиятли "тугаллов" оҳанг тузилмаси /УП-УШ тт./ асосида "ўқилади". Ушбу оҳанг тузилмалари кейинги шеърий бандларга ҳам боғланиб, вариант кўринишда намойиш бўлиб туради.


Турналарга бағишлаб айtilган "Арғамчи" кўшигида тузук товушқаторининг II-боскичи ишлатилмаганлигини кўрамай.

I8 Мисол:

Нотага олувчи
О. Иброҳимов

накарот: Арғамчи /намуна/ банд:

Ар - гам - чи ги - лам - чи, Тур - на буй-лик



Айтимида П-боскичнинг келмаслиги даракчи оҳанг воситаси қўлланганлиги билан шарҳланади. Иттифоко, қўшиқнинг накарот қисмлари жарчи оҳанглариининг қуйи сакрама товушларига "қурилгани" ҳолда, бандлари юкори сакрама оҳанглари асосида айтилади. Шунга ухшаш вазият "Суст хотин" маросими айтимида ҳам учрайди! Инчунин, айтим накаротлари даракчи оҳанглариининг қуйи сакрамасини "ишгол" этиб, унда П-боскич қўлланмайди, бандлари эса юкори сакрамали жарчи оҳанглариини намойиш этади.

19 Мисол:

Суст хотин
намуна

Нотга олувчи
О. Иброҳимов

накарот:

Суст хо - тин суз - ма хо - тин ку - лан - ка - си

банд:

май - дон хо - тин ём - рир ёр - дир хул бул - син
Май - са - лар ку - лок ёй - син

э - лу жа - хон кул бул - син, Суст хо - тин
су - ту ка - тик мул бул - син.


Баҳор фаслига оид айтимларда баъзан жарчи оҳанглари меҳнат /деҳқончилик/ қўшиқларига пайваста булишини ҳам кўриш мумкин. Бу ҳол бежиз эмас, чунки баҳор фасли ерга амал кириши вақтини /яъни меҳнатнинг бошланганлигини/ ҳам дараклайди. Деҳқонлар ер ҳайдаш ишларини Наврўз байрамига такаб бошлаганлар. Бу меҳнатнинг дебочасида "Қўш чиқариш" ёки "Шоҳ мойлар" маросими ўтказилган. "Суст хотин" маросими одатда қурғоқчилик бўлган баҳор ойлари ёмғир "чақириш" мақсадида ўтказилган. Маросим иштирокчилари ёғочдан ясалган қўғирчоққа аёл кийимини кийдириб, қишлоқ ҳонадонлари олдида "Суст хотин" қўшигини жар солишган. Иримга кўра, ҳар бир ҳонадон эгаси қўғирчоқ устидан сув сепиб, жарчиларга ҳадялар улашган.

зилган. Бунда "кишлок аҳли Йигилишиб, энг яхши ҳукизлардан бир жуфтани омучу буйинтуруги билан далага олиб чиқшарди." Бу йил мул-кулчиликда яшайлик, серобчилик бўлсин, оғинг теккан жойга ба-рака берсин" - деб Наврӯзга атаб пиширилган бугирсок Ғри билан ҳукизларнинг шоҳларини мойлашган. Сумалак пишириш ууун ундирил-ган майсадан озгинасини ҳукизга едиришган. Кишлок кексаларидан бири Бобо Деҳқон булиб, далада биринчи қуш солади.¹ Ушбу маросим пайтида иштирокчилар томонидан махсус қушиқ айтиб турилган. Бу қушиқда, бир томондан, деҳқончилик айтимларига хос хусусиятлар сезилса, иккинчи томондан - кўпроқ маросим айтимларига тааллуқ-ли яққа-жамоа ижрочилиги, тўртлик /дарақчи/ оҳанг сакрамалари ва ҳ.к.намоён бўлади.

20 Мисола:

Шоҳ мойлар
Намуна


Нотага олувчи
О. Иброҳимов




Биров : Қуш - га ил - дам юр - ма - санг, у - чанг - га тур - тиб
Қушчилик : Қушга ил - дам юр - ма - санг, у - чанг - га туртиб



қу - я - ман. Ях - ши юр - санг шо - хинг - га,
қу - я - ман. Ях - ши юр - санг шо - хинг - га,



мой - лар сур - тиб қу - я - ман. Шоҳ - ла - ринг бор
мой - лар сур - тиб қу - я - ман. Шоҳ - ла - ринг бор



Шо - ми - ён, Кўз - ла - ринг бор ой - на - дай,
Шо - ми - ён, Кўз - ла - ринг бор ой - на - дай,


Жарчи оҳангларнинг зуҳур бўлиши биргина баҳор фаслига таал-луқли бўлиб қолмай, балки бoshқа мавсумий маросимларда ҳам ўз ур-нини топгандир. Хусусан, ёз пайтларига тўғри келган "Чой момо" ма-¹ Наврӯз. Тузувчилар: Т. Мирзаев, М. Жураев. - Тошкент: Фан, 1992, 71 б.

росини узок муддат кучли эсаётган шамолини "тўхтатиш" мақсадида утказилар эди. Чунки бундай кучли шамоил даладарда айни пилиб етишайтган бошокли усимликларни пайхон этаётган. Бу маросимда катнашган "аёллар кзларига коракую суркаб, кели сопини от килиб минганлар ва турли рангдаги латта-путталар билан боғланган гавронни ушлаб кишлок кучаларида "Чой момо" кўшигини айтиб юрганлар. ... Уларнинг тасаввурларича, табиат кучлари бундай хатти-қаракатларга бас келолмай, шамоил тезда босилар эмиш".¹ Шамоил "тўхтатиш" маросимининг яна бир ирини ҳам булганки, шунга биноан аввалига "Шамоил тўхтатиш" кўшиги айтилиб, сунгра учокнинг бир томонига пичок санчилган ва бу қаракат гуё шамоил тўхталишига рамзий ишора булган. Ушбу айтимда жарчи оҳангларига домр куйи туртлик сакрамаси қўланганлиги кузатилади.

21 Мисол:

Шамоил тўхтатиш айтими
/ Намуна /

Нотага олувчи
Н. Гомтемиров



Куй ша - мол куй йу - гаш,
/эв - вош/

Жарчи оҳангларининг ёркин намунаси киш фаслига оид "Офтоб чикди" кўшигида намоён булади. Киш кунлари баъзан кўш чикиб, кун исий бошлайди. Бундан кувонган болалар ота-оналари, кариндош-уруглари ёки кўни-кўшнлари олдига шгуриб бориб, ширинлик ёки бирор бошка ҳадя олиш млинжида гуё баҳор келганидан дарак бера бошлайдилар. Чунки байрам /баҳор /фаслида жарчиларга егулик пишриклар ва турли инъомлар бериш одат тусини олган эди. Аммо "Офтоб чикди" кўшиги киш фаслида айтилганлиги ва, демакки, баҳор кириб келиши учун ҳали маълум фурсат борлигини назарда тутиб, катталар даракчиларни "курук" кайтаришади /яъни ҳадялар берилмайди/ Мазкур айтим барча хусусиятлари билан баҳор мавсуми кўшикларига мос келади / Қаранг: УХМ, Ш том, 466-467 б. /.

Умуман шуни айтиш керакки, даракчи оҳанглар болалар фольклори булган "Бойчечак", "Томдан тараша тушди", "Кўёним", "Зув-зув бо-рагай", "Читти гул", "Чучвара кайнайди", "Ошхур акам" каби кўлаб уйин-айтиmlарига ниҳоятда табиий сингиб кетган /УХМ, Ш том, 455 - 478 б. / Шу боисдан ҳам даракчи оҳанглар болалар ижодининг муҳим хусусияти сифатида "болалар оҳанг лугати"га айланган.

¹ - Ўзбек фольклори очерклари. - Тошкент: Фан, 1968, 165 б.

Мавсум маросимлари қарор топиши давомида халқ шодкорлигининг янги кирралари намоён бўла бошлади. Хусусан, кўшиқчиликда кенг ўрин тутган савол-жавоб айтишуви ва банд-нақарот шаклий ниебатлари узил-кесил юзага келишида мазкур маросимлар мазмуни аҳамиятли бўлган. Зотан бундай оммавий тадбирлар жараёнида тарафма-тароф айтишувлари уюштирилган, ўртада кўшиқ куйлаётган /раксга тушаётган/ яккаҳонга кўпчилик /даврада ҳозир бўлганлар/ қарсақлар воситасида ёки маъқуллов ҳайкириклари ҳамда тез эсда қоларли кофиядош сўзлар такрори билан кўшилиб жўр бўлган ва ҳ.к. Ушбу жараёнда эришилган муҳим бадиий воситалардан яна бири – халқ куйлари табиатига ритмик-усул хусусиятини, сингитб бориши ҳамда раксбоп усулларнинг шаклланишидир. Уларнинг аксарияти "Лола" ҳақидаги айтимларда қўлланган бўлиб, бу айтимлар эса Наврўз байрамининг дастлабки кунини ўтказилган "Лола сайли"да куйланар эди. Ушбу сайлнинг дебочасида маҳаллий халқ бир майдонга йигилишиб, йигит-қизларни лола теримига кузатганлар. Лола теримчилари кир-адирларга сайр қилиб, кучок-кучок лола теришган. Сунгра теримчиларни белгиланган майдонда маҳаллий аҳоли томонидан тантанавор равишда кутиб олиш маросим-байрами ўтказилган. Бунда ўйин-раксларга туширилган, ёшлиқ, гўзаллик ва севги рамзи бўлган лола махсус айтимларда васф этилган. Бу айтимларда ҳам дарақчи оҳанглар таъсири сезиларлидир.

22 Мисол:

--- Лола ---

Нотага олувчи
О. Иброҳимов

Музыкальный пример 22, ноты на трёх системах. Стиль — народный танцевальный. Темп 6/8. Ключ — соль мажор. Текст песни:

Ло - ла ло - ла ло - ла - жон, у - сар жо-йинг
 да-ла - да, Ло - ла ло - ла ло - ла - жон
 чи - да - динг - ми жа - ла - га, Ор са - йил-га



Оилавий маросим айтимлари

Инсоннинг ҳаётий йули билан боғлиқ муҳим сана ва воқеалар ҳар бир халқда ўзига хос тарзда урф-одат ёки маросимлар билан нишонланиб турилиши анъанага айланган. Ана шундай анъаналар сираси-ни оилавий шароитда ўтказилган оммавий тадбирлар ташкил этади. Оилавий маросимларнинг турлари ҳам кўп бўлиб, улар инсонга умри давомида йулдош бўлиб келади. Хусусан, ўзбек халқида бешик тўйи, мучал тўйи, хатна /суннат /тўйи, никоҳ тўйи, мотам маросими каби оилавий маросим турлари мавжуддир. Ушбу маросимлар гарчанд "оила-вий" деб аталса-да, аммо, одатда, уларда қариндош-уруғлар, қўни-қўш-ниллар ва дўсту-биродарлар катнашишлари мумкинлиги эъвазига омма-вий тус олади.

Оилавий маросимларда мусика муҳим урин тутади. Бунда ҳам ай-тим, ҳам чолғу мусикаси /сўнгиси мотам маросими учун ястиснодир /қўлланиб, уларнинг бадиий вазифалари ўзаро фарқлидир. Думладан, туй маросимларида қарнай, сурнай, ногора ва доиралардан иборат чолғу ансамбли иштирок этиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам бадиий тинглов, ҳам ахборот воситасини бақаради. Чунки бу ансамбл, бир томондан, ўзоқ масофага таралувчи кучли садоланиши билан аҳолига туй бош-ланганлигидан дарах берса, иккинчи томондан, ансамбл яқросидаги жозибали куй-наволар кутаринки кайфият тугдиради, ҳамда рақс ўйин-ларига чорлайди ва унга жўр бўлади. Айтиш воситасида эса ўзгача бўлган, лекин муҳим вазифа амалга ошириладики, шу боисдан асосий диққат-эътиборни шу жиҳатга қаратамиз. Демак, айтимлар воситаси-да ҳар бир маросимнинг мақсади ўзига чиқа бошлайди. Зотан бундай айтимлар ўзида ҳам маросим "қаҳрамони"нинг умумлашма сиймосини, ҳам омманинг шу маросим жараёнига муносабатини мужассам этади. Бошқача айтганда, оилавий маросим айтимларида шахсий ва "оммавий" туйғулар муштарак этилган бўлади ва шунинг билан алоҳида аҳами-


ятга молик. Табиийки, ушбу ижодий вазифа ўз "ечими"га монанд янги бадний воситаларни шакллантирди. Бунда энг аввало янги мазмунли куй-оҳанглари юзага келганлигини таъкидлаш керак. Бу куй-оҳанглари эса сўлим /лирик/ хусусиятли бўлиб, андош товушларнинг асосан куйи оқимини намоён этади. Уларнинг келиб чиқиш манбаъи "Йиги" нидоларига бориб тақалади. Шу боис биринчи галда йиги айтимини тавсифлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Йиги - турли вазиятларда юзага келиши мумкин бўлса-да, лекин унинг жанр сифатида қозир бўлиши асосан оиларий маросим, хусусан, мотам маросими - азада тўлик амалга оширилади. Зотан йиги мотам маросимида қўлланадиган асосий жанр бўлиб, кин кишининг /оила аъзосининг /вафоти туфайли билдирилган чуқур қайғу, ҳаяжонли ачиниш, аламли дард каби туйғуларнинг мужассам ифодасидир. Шу билан бирга, "марҳум билан тириклар, йиглаётган билан йигламаётганлар уртасида руҳий муносабат урнатилган ҳам йигининг муҳим вазифаси саналади".¹ Мотам маросими бир йилга қадар давом этадиган урф-одатларни ўз ичига оладики, бунда йиги-йўқловлар ҳам йил давомида марҳумнинг яқинлари /асосан хотин-кизлар/ томонидан айтиб турилади. Йигиларга хос белгилар қаторида шеърый мисраларнинг қофиясиз бўлишини, уларнинг мазмуни вазиятга мувофиқ бадиҳа этилишини, гамнок оҳангларнинг куйи йўналишда бўлиши кабиларни таъкидлаш мумкин.


23 Мисол:

Йиги

Нотага олувчи
Ил. Акбаров



Буй - ла - ри у - зи - га я - раш - кан /о /



бе - ма - ҳал жу - жа - ла - ри - дин /о / а - даш - кан.



Бе - да - во дард - лар - га уч - ра - ган /о /

¹ Ҳазрат Абдураҳмон Қўлиев. Ҳазрат Абдураҳмон Қўлиевнинг "Ҳазрат Абдураҳмон Қўлиевнинг фольклорини таърифи". - Тошкент: Фан, 1988, 210 б.

Мазкур Янги негизда ҳажми уч тактга тенг бўлган мунгли оҳанг тузилмаси ётади. У Ш-боскич пардасидан бошланиб, П-парда оркали I-таянч /я/га келиб тугалланади. Янгининг кейинги жумлалари ҳам шу оҳангдан келиб чиқади. Жумладан, IV-VI тактларда у бир поғона пастдан такрорланса, UP-IX тактларда асосий куриниши вариант этилади ва ҳ.к. "Янги" айтимининг умумий шакл схемаси куйидагича:

$$\text{I-III} \overline{\text{TT}} \quad - \quad \text{IV-VI} \overline{\text{TT}} \quad - \quad \text{UP-IX} \overline{\text{TT}} \quad - \quad \text{X-XIII} \overline{\text{TT}}$$

Янгининг вариантлари орасида дастлаб I-поғона билан бошланиб, сунгра Ш-пардага улашиш ҳоллари ҳам учрайди.

24 Мисол:

Янги

Нотага олувчи
В.А.Успенский



Шуни ҳам айтиш лозимки, Янги оҳанглари оилавий маросим айтимларининг муҳим таснифий сифати бўлиб, ижро вазиятига кўра "видолашув", "хайрлашув" семантик-мазмунини англатади. Аммо тўй маросимларида "Янги" айтими табиий ҳолда бўлмай, балки бадий тус олганлигини кўрамиз. Унинг ёрқин намуналари никоҳ тўйига оид "Ёр-ёр"ларда учрайди.

Ёр-Ёр кўшиги келини кўёвниқига узатиб бориш жараёнида аёллар томонидан ижро этилади. Уни айтиш вазияти эса кизнинг ота уйи, яқин қариндош-уруғлари, оила аъзолари билан хайрлашувидан бошланиб, то кўёв хонадонига етгунга қадар давом этади. Гарчанд ёр-ёрни келин куйламаса-да, бироқ аслида бу айтим унинг умумлашма сиймосига бевосита дахлдордир. Унинг мазмунида аёллар келини овулган бўлишиб /Янглама киз, тўй сеники, остонаси тиллодан, уй сеники /, панд-насиҳатлар қилишади, кизнинг отасига "таъна" сузлари ҳам айтган бўлишади /Уз кизини танямай, сотган отам ёр-ёр/ ва ҳ.к. Аммо ёр-ёрларнинг фавкулотда таъсирли эканлиги уларда бир вақтнинг ўзида икки турли ҳолат - ҳам мунгли Янги, ҳам байрамона шодиёналик кайфиятлари мужассама этилганлиги билан тавсифланади. Янгининг бадий инъикоси айтим куй-оҳанглирида, оммавий шодиёналик ҳолати эса доира усулида зуҳур бўлади.

¹ Батъи жойларда, масалан, Фаргона анъанасида, ёр-ёрларни кўёв жўралари ҳам ижро этишади.

/6^а Мисолга қаранг/ Хусусан, ҳаджимиз орасида "Тошкент ёр-ёри" номи билан машҳур айтим куйи Яйги мисолидан маълум бўлган Ш-П-І пардали куйи оким оҳангидан униб чиқади./УХМ, П т., 231 б./ .Айтимнинг умумий тузук товушкатори мунгли олтилик /кичик секста/ доирасини камраб олган бўлиб, бунда Ш-парда тузукнинг ярим таянчи, І-парда эса асосий таянч товуши бўлиб белгиланади. Шу билан бирга, доира усули рақсбоп ва "шўх"/уynoки/усулларга ўлчов-ритми жиҳатидан ҳам оҳангдир.


Шуни ҳам айтиш керакки, ёр-ёрларнинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда куйи оким учлиги турлича вариант этилади. Чунончи, баъзи ёр-ёрларда куй-оҳанги одатда гидек тузукнинг Ш-боскичидан эмас, балки аввалига І-боскичдан /УХМ, П т., 228 б./ ёки П-боскичдан бошланиб /"Наманган ёр-ёри", УХМ, П т., 233 б./, сунгра пардалари Ш-П-І тарзида уюшган оҳанг тузилмасига уланиб кетади. Шундай ўзгаришлар бўлса-да, аммо мунгли оҳанг ўз хусусиятини тубдан йукотмаслиги натижасида доим "таниб" олинади, идрок этилади.

Никоҳ туйи маросимида анъанавий икром этиб келинадиган кўшиқлардан яна бири - "Келин салом" дир. Ушбу кўшиқни айтиш вазияти келинни куй хонадонига қадам кўйиши билан юзага келиб¹, бунда куйнинг ота-онасига, қариндош-уруғларига ва куйи-кўшнларига келин номидан маълум куй-оҳангларида салом айтиб турилади, келин эса эгилиш орқали саломини билдириб туради. Келин саломларда ҳазил-мутойиба, гоҳо пайровли сўз-ибораларга бой шеърий бандлар қўлланиб, ҳар бир банд "салом" айтиш билан якунланиб туради. Куй нуктаи назаридан қаралганда уларда ҳам мунгли учлик /Ш-П-І пардали / оҳанги асос бўлганлиги маълум бўлади.


25 Мисол:

Келин салом

Нотага олувчи
Н. Тоштемиров



Том-га таёқ таш-ла- ган, манг-лайини қаш-ла- ган,



ёр - ёр ке-лин са-лом, қай-но-та-си- га са- лом.

¹ Айрим маҳаллий анъаналарда, жумладан, Тошкент анъанасида "Келин салом" никоҳ туйининг эртаси куйи ўтказилиб, "саломлар" одатда, куй-оҳанглари сиз ўқилади.

Гарчанд ушбу айтимдаги пардалар нисбати Ш-П-І тартиби урни-
да Ш-П-Ш-І тарзда келса-да, ammo кичик учлик даражаси ва нисбий
таянч булган Ш-боскичдан І-асосий таянч пардага интиланган куйи
оқим йуналиши "сақланганлиги" натижасида мунгли оҳанг уз сифатини
намоён этиб туради. Инчунин, айтимдаги туртмисрадан учтаси -бирин-
чиси /Іт./, иккинчиси /Пт./ ва туртинчиси /ІУ т./ - шу оҳангга бог-
лангани ҳолда, яна бир мисра /Шт./ давомида унинг поғонама-поғона
вкорига йуналган /секвенцияга оид /ривожини намоён булади. Айтимнинг
шакл-тузилишини куйидаги тарзда схемалаштириш мумкин:

$$\frac{\text{А}}{\text{Іт.}} \quad - \quad \frac{\text{А}}{\text{Пт.}} \quad - \quad \frac{\text{В/А}^{\text{І}}}{\text{Шт.}} \quad - \quad \frac{\text{А}}{\text{ІУт.}}$$

Келин саломларнинг бошқа кўринишларида ҳам куйилик оҳанги
маълум вариантлар билан садоланади. Бинобарин, ёр-ёр ва келин
саломларнинг куй-оҳанглари узаро муштаракдир.

Алла. Омлага янги тугилиб келган тунгич фарзанд шарафига
одатда, бешик туйи маросими ўтказилади ҳамда шу вақтдан бошлаб
чақалоқ ҳаётида муҳим булган икки-уч йиллик "бешик даври" бошла-
нади. Белик мосламаси болани тарбия этишда кўп ҳикматдан кулайдир.
Хусусан, она чақалоқни ухлатиш мақсадида бешикни тебратиб, махсус
кўшик куйлайди. "Бешик вазияти" билан айтилувчи бундай кўшик "алла"
ёки "бешик кўшиги" деб аталади. Оналар иқоди булган бу айтимларда
болани овутишга қаратилган сўз-иборалар, шунингдек, онанинг фарзанди
ҳақидаги эзгу-нийатлари баён этилган турткилар бадиха этилади.
Аллаларнинг куйларида эса оқлавий маросим айтимларига хос мунгли
тузуқ ва куйи оқим оҳанглари кўрамыз. Думладан, "Оқ кўшик" деб
бошланувчи алла кўшиги^І беш мисрали айтимдан иборат бўлиб, унинг
турт мисраси шешр бандига, бешинчиси эса "алла" нақарот сўзига му-
вофиқ келади. Бу уринда айтим мисралари кичик учлик /Ш-П-І; І-П-Ш/
оҳанг қурилмаси асосида иқод этилгани сезилиб туради. Нақарот ур-
нида келган бешинчи мисрада /ІХ-Хтт./ эса куйи оқим оҳанги яққол
намоён булган. Шунингдек, айтимнинг тузуғи ҳам "ёр-ёр"лар каби ки-
чик охтилик товуқаторини акс эттиради.

Алланинг яна бир тури мавжуд бўлиб, у "бешик вазияти" дан ҳо-
ли, "саҳнавий" тарзда иқро этилади. Бинобарин, бундай алла шариотга
мувофиқ кенг нафасли куй-оҳанглари бўлиши ҳамда кўрнавот созлар-
нинг қўлланиши билан ажралиб туради /УХМ, Ш т., 541-543 б./.

^І Қаранг: УХМ, Ш том, 538-539 б.

Диний наволар

Ўзбек халқи ислом динини қабул этган даврдан бошлаб унинг маънавий-руҳияти янги дунёкараш мазмуни билан сугорилди, маданий ҳаётида сифат ўзгаришлар юзга келди. Халқ ҳаётининг турли кўри-нишларида, хусусан, кундалик турмуш тарзи ва янги шаклланган маросим ва урф-одатларда ўз аксини топган ушбу ўзгаришлар замирида мусикий наволар ҳам англашилади. Зеро исломий диний-эътиқод халқимиз қалбини забот этишида унинг инсонни азизу-муқаррам этишдек таълимоти билан бирга қалбларни ҳаяжонга солувчи самовий куй-оҳанглари ҳам аҳамиятга молик бўлди. Бундай куй-оҳанглар эса энг аввало муқаддас Қуръони Карим сура-оятларини тартил, тажвид каби услубларда кироат этиш билан юзга келади. Иттифоқо, айтиш керакки, бу услубларда кироат эта олишга мадрасаларда махсус тайёргарлик кўрган хори ёки ҳофизларгина муяссар бўладилар, холос. Шу ўринда яна бир зарур изоҳ бор – кироат йулларини нота воситаларида бекаму-қўст муҳрлаб бўлмайди, чунки уларнинг сермаъно ва бетакрор гўзалликлари фақатгина жонли "ўқиш" вазиятида тўла намён бўлади. Бинобарин, кироат услубларини ўрганишда пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломдан мерос бўлиб келаётган "огзаки услуб" анъанасига таяниш жоиздир. Қуръони Карим оятлари одатда масжидларда, жамоат /жумъа, ҳайит/ намозларида, амри маъруф, ҳудойи ва аза маъракаларида овоз чиқариб ўқилади. Қолган вазиятларда эса, масалан, мусулмонлар учун фарз этилган кундалик беш маҳал намозларида овоз чиқармасдан ўқиш мумкиндир. Намоз вақтлари бўлган замон эса масжид минораларидан туриб муъаззин оҳанг билан азон айтади. Шунингдек, халқимиз орасида кенг ёйилган удумга кўра, янги тургилган чақалокнинг қулогини очиш мақсадида ҳам унинг қулогига азон айтилади.

Ҳалқимиз мусикий хазинасида исломий диний-эътиқод билан боглик яна бир қатор куй-оҳанглар тоифаси мавжуд бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида икки гуруҳга таснифлаш мумкин:

- а/ диний маросим куй-айтимлари;
- б/ диний мавзули куй-айтимлар.

Биринчи гуруҳ асосини Рамазон ойида ўтказилган маросим ҳамда сўфий/дарвиш/ларнинг зикр тушиш /ёки самоъ/ маросимларидаги куй-айтимлари ташкил этади.

Ҳалқимиз ҳаётида муқаддас Рамазон ойи билан боглик ўзига хос мусикий анъаналар юзга келган. Чунончи, бу ойнинг ҳар тунни-

да маҳалла /ёки кишлоқ /аҳлига эшитиларли килиб, том бошида қуш-ногора усуллар туркуми чалинади. Бундан ташқари, мазкур ойнинг учинчи кунидан бошлаб катталар ёки болалар иштирокида Рамазон маросими ўтказилади. Маросим иштирокчилари бўлган рамазончилар ҳуфтон вақти бўлгач, ҳар бир хонадон эшиги олдида тупланишиб, "Рамазон" ёки "Е, Рамазон" айтимини куйлашади ва бунга жавобан уй эгаларидан турли пиширик ва ҳадя-эҳсонлар олишади. Хилма-хил кўриниш /вариант/ларда мавжуд бўлган Рамазон айтимлари мазмунан ўзаро яқин бўлади. Думладан, уларнинг шеърини турткиларида хонадон эгаларига нисбатан яхши истак ва эзгу-ниятлар билдирилади, Рамазон айтиш одати қадимдан анъана эканлиги ёдга солинади, баъзан ўса ҳазил-мутойиба ва ҳажвий мазмундаги бандлар ҳам куйланади. Нақарот сифатида "Е, Рамазон" ёки "Салом айтинг Муҳаммад Мустафога, Салом айтинг Алишеру Худога" мисралари такрорланиб туради. Эътиборли жойи шундаки, гарчанд Рамазон айтимлари икром этилиши вазиятларига кўра баҳор мавсумига оид "Бойчечак" ва бошқа банд-нақарот шакли дарақчи қушиқларга монанд бўлса-да, аммо куй-оҳанглари нуқтаи назаридан кўпроқ оилавий маросим айтимларига ўхшашидир. Кичик учлик оҳангида ўқиладиган куйидаги "Рамазон" айтими бу фикрга яққол мисол бўла олади.

26 Мисол: Рамазон Нотага олувчи
Н. Товтемиров


У- ра-за-ни уч ку- ни-ни ту-тиб-келдик сиз-га,

ў- ра-за-нинг за-ко-ти-ни бе-ринг биз-га,

ё Ра-ма-зон ай-тиб кел-дик э - ши-гин-гиз-га,

Куч-қор-дек у -рил бер-син бе - ши-гин-гиз- га.

Са-дом ай-тинг Му-хам-мад Мус-та-фо -га, Са -дом ай -тинг



А - ли - ше - ру Ху - до - га.

З и к р тушиш Ёки самоъ маросими суфийлик / "тасаввуф" ҳам дейилади/ таълимоти ва амалиёти билан боғлиқ юзага келган эди. "Зикр" сўзи асли арабча булиб, Аллоҳни Ёдга олиш, эслаш маъноси-ни англатади. Зотан Аллоҳнинг висолига эришмоқни уз олдиларига мақсад қилиб қўйган суфийлар /ёки суфийликка қадам қўйган муридлар / маънавий покланиш босқичларидан иборат. Тарикат мақомларини "босиб" утишлари жараёнида доимо Тангри Таолони Ёд этиб туришлари лозимдир. Тарикат босқичларидан муваффақиятли утганларгина комил инсон мартабасига қадар юксалганлар ва нафсоний қусурлардан буткул халос бўлганлар. Бундай мақомга эришган комил инсон эса қалб кузи билан Аллоҳ Таолони кўради, чин ҳақиқатнинг, борликнинг гувоҳи бўлади. Ушбу жараён давомида суфийнинг руҳияти завқу-шавққа тўлади. Бошқача айтганда - у важд /яъни, лаззатли жазаба/ ҳолатини бошдан кечиради! Шу билан бирга, важд ҳолатига етишмоқ учун сўфий /пир / уз шогирдлари бўлмиш муридлари иштирокида махсус зикр тушиш маросимини ҳам уюштириб турганки, бунда шеър, мусиқа ва рақс санъатлари муҳим аҳамият касб этган. Ушбу маросимга кўра, тарикат аъзолари доира /халқа, айлана / шаклида ўтиришиб, пирнинг диний мазмундаги шеърларни оҳиста бошлаб қўлашини тинглайдилар. Бунда баъзан доира, уд, ғубоб ёки бошқа созлар жүреоз сифатида қўлланиши мумкин бўлган. Пирнинг ижро этиш сурати изчиллик билан ҳам қучланади, ҳам тезлаша бошлайди. Бу жараёнга даврада ҳозир бўлганлар ҳам фаол қўшилиб борадилар: улар Аллоҳ номини тез-тез зикр этиб, аста ўринларидан турадилар ва жадаллашиб борувчи айланма ҳаракатли рақс ўйинини бошлаб юборадилар. Рақс ниҳоятда тезлашиб, ўзининг авж нуқталарига етади ва шу тариқа маросим иштирокчилари Йлоҳий борликдан баҳраманд ҳолда важд ҳолатига тушадилар.² Бу тарзда амалга оширилган зикр маросими "зикр ал-жаҳрий", яъни овозли зикр номи билан ҳам критилиб, у Урта Осиё сарҳадида асосан Туркистонлик машҳур мутасаввуф бобоскалонимиз Аҳмад Яссавий тарикатида /Яссавийда / кенг қўлданиб.

¹ Қаранг: А.Назаров. Тасаввуф ва мусиқа, "Ёшлик", 1989, №6, 71 б.

² А.Вамбери. Счерки жизни и нравов Востока. СПб, 1877; А.Назаров Тасаввуф ва мусиқа. "Ёшлик", 1989, № 6, 71-73 б.

келинган. "Зикри хаҳрий"нинг яна бир шакли сифатида эса "зикри арра" вужудга келган бўлиб, бунда "зикр тушганлар ханжарасидан /бугзидан/ ёғоч арралагандек овоз эшитиларкан ва йирилганларни ута ҳаяжонга солар экан.¹

Таснифимизда белгиланган иккинчи гуруҳ таркибига муножот, яссавийхонлик, навоййхонлик, машрабхонлик ҳамда маълум даражада катта ашула ва мақом айтим йуллари тваллуқлидир. Шунингдек, ёзма манбаъларда таъкидланишича, Урта асрларда Рихта, Саҳъ каби айтимлар ҳам бўлиб, улар мазмунида пайгамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ҳамда Чаҳорфр /турт ҳалифа / ва 12 имомлар мадҳи баён этилган.²

Муножот - мусулмон халқлари орасида кенг жорий бўлиб келаётган айтим жанрларидан биридир. Унинг шеърий асосида Худодан наҳот сўраб, унга илтиҳо этиш ифода этилади. Халқимизнинг севили "Муножот" куйи ва ашула йули дастлаб шундай мазмунда ижод этилган асардир /УХМ, I-II тт./

Гап-гаптак, турли йигин ва мажлисларда тасаввуф шеъриятининг ноҳир дурдоналари бўлган Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб ижоди намуналари куй-оҳангларига боглаб айтиб келинадики, бу аъъана яссавийхонлик, навоййхонлик, машрабхонлик каби яритилади.

Яссавийхонлик аъъанаси ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг шеърий ҳикматлари ва уларга ҳамоҳанг йўғрилган куй-оҳангларидан асосида утказилади. Ҳикматларнинг айтим услуби илтижоли нолаларга, дардли фигонларга бойлиги билан ажралиб туради. Аммо афгон чекиш ҳолати тушқунликдан бўлмай, балки иймондандир, деб тушунмоқ керак:

Йигламакни ҳар одамга берган кани,
Йигламағлиг осон эмас, бағир кани,
Куз ёшингни риё қилма, Ҳақни тани,
Ҳақ тасло суйганларни гирён қилур.³

Утмишда Аҳмад Яссавий ҳикматлари : ландарлар ва дарвишлар томонидан кўча-кўйларда ҳам айтиб ярилган. Шу боисдан улар халқ орасида оммалашиб кетган.

Навоийхонлик ва машрабхонликлар ҳам турли йигин-мажлисларда амалга оширилиб келинган. Шу билан бирга, Алишер Навоий ва

1. Т.Файзиёв, О.Усмонов. Занги Ота. I қисм. -Тошкент:1993, 24 б.

2. И.Ражабов. Мақомлар масаласига доир-Тошкент:Ўзадабийнашр,1963.

3. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. -Тошкент:Г. Гулом ном. Адабийн. 1990,164.

Бобораҳим Машраб назми ашула ва мақом санъатида кенг қўлланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу ўринда айтиш керакки, ашула ва, айниқса, катта ашула ва мақомлар суфийлар томонидан ҳам ижро этиб келинган эди. Хусусан, катта ашулалар баъзан зикр маросимларида қўлланган бўлса, асосан саройларда янграган мақом намуналари эса суфийларнинг истикомат уйлари бўлган ҳонақоҳларда айтилган. Шу боисдан Ҳонақоҳ Наво, Ҳонақоҳ Чоргоҳ, Ҳонақоҳ Ушшоқ, Ҳонақоҳ Сегоҳ каби иборалар кзага келган эди.¹

"Эркин мавзули" куй-қўшиқлар

Эркин мавзули куй-қўшиқлар гуруҳини шик, терма, лапар, ялла каби жанрлар ташкил этади. Бу айтимлар I-гуруҳ, яъни маълум вазият ва шароит куй-қўшиқларидан фарқи улароқ, турли вазият ва давраларда куйланиши мумкин. Уларнинг оҳангларида куйчанлик хусусияти ортади, шеърый мазмуни эса ижро вазиятларига бевосита боғлиқ бўлмай, маълум мавзу эркинлигига эгадир. Масалан, "фақат қўшиқ жанрининг ўзи мазмунан ишқий темада, сатирик йўналишда, тарихий темада, социал мазмунда бўлиши мумкин"². Эркин мавзули куй-қўшиқларда ижрочиликнинг яқнахон ва жамоа турлари, шунингдек, жўрнавоз чолгулар каторида доира, дўмбира, дутор, рубоб ва бошқа созлар қўлланиши одатийдир.

Ушбу гуруҳ жанрларининг шаклланиши кўп жиҳатдан I-гуруҳ куй-қўшиқлари ва уларда эришилган бадий натижаларга боғлиқдир. Бу алоқадорлик икки асосий кўринишда амалга ошган:

1/ Маълум маросим ва урф-одат, ҳамда меҳнат-турлари ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотиб бориши баробарида уларнинг айтимлари халқ онгида сақланиб, эндиликда бу айтимларни "исталган вазиятда" куйлаш имкони вужудга келгандир. Бунга, масалан, Лола сайли билан боғлиқ айтимлар мисол бўла олади;

2/ Маълум вазият ва маросим жараёнидан "ажралиб" чиққан ва эндиликда алоҳида, яъни шартланган вазиятдан ҳоли ижро этилаётган айтимлар. Одатда, бундай намуналар янги бадий воситалар билан "сугорилади". Масалан, "саҳнавий" ижро учун мулжалланган "Алла"ларда ривожланган куй-оҳанглари билан бирга яна жўрнавоз созлар қўлланади, ёки, келиб чиқиши "Чарх" ҳунармандчилик қўшиқлари билан боғлиқ айтимларда эса жўрнавозлик билан бирга рақс унсурлари намойён бўла бошлайди ва ҳ.к.

¹ Ашула ва мақом мавзулари қўлланганининг II қисмида баён этилади.

² Ф. Кароматов. ЎХММ, I китоб, 6 б.

Шунингдек, П-гчрүх айтимлари келиб чикмида халқнинг маълум вазиетлар билан боглик будмаган мавзуларда, хусусан, ишкий-мухаббат борасида ижод этган шеърий намуналари ҳам муҳим асос булган. Чунки, "кунгил Ёзиш" учун мўлжалланган бундай шеърларни турли давраларда куйлаш имкони мавжуддир.

К У Ш И К

"Кушик" атамасининг икки ҳил маъно касб этиши ушбу қўлланманинг "Халқ мусикасининг умумназарий масалалари" бўлимида қисқача изоҳлаб ўтилган эди. Унга қўшимча қилиб шунини айтиш мумкинки, кенг маънода бу атаманинг лугавий негизи сўз билан куйнинг ўзаро бирлашиши, қўшилиши /бошқача айтганда - умуман овоз билан куйлаш/ ни англатса, тор маънода - қўш кофия билан бошланувчи /яъни дастлабки мисралари кофиядош булган /муайян айтим турини ифодалайди. Анъанавий халқ кушикларининг қўш кофия шаклида келиши энг аввало дастлабки шеър тўртлиги ва унинг мисраларига тааллуқлилигини алоҳида таъкидлаш керак. Шунга қўра I-тўртлик ааба, аабб ёки аааа бўлиб келиши керак. Бирок кейинги тўртликларда бу тартиб сақланмай, узгариб туриши /масалан, абааб, абаа, аббб ва ҳ.к. тарзда/ мумкин. Демак, кушикка - дастлабки мисралари кофиядош булган ҳамда 7 ёки 8 ҳикояи рубойлар асосида куйланадиган банд шакли айтимдир, деб таъриф берамиз.

Кушик банди одатда тўрт шеърий мисра ва уларни куйлашга асос булган нисбатан тугал тўрт куй-оҳанг тузилмаларининг бирикмасидан иборат бўлади. Бунда кушикнинг кофиядош мисралар билан бошланган хусусияти куй-оҳанглариде ўзига хос акс этади. Чунончи, куй-оҳангларининг дастлабки икки тузилмаси ҳар жиҳатдан ўзаро яқин ёки ўхшаш булгани ҳолда, учинчи тузилма нисбатан нотургунлиги, таянч пардадан узоқлашиб, кутарилма ҳаракатларни намоён этиши билан ажралиб туради. Сунгги, тўртинчи тузилма эса таянч пардага интилиши ва уни мустаҳкамлаши, тасдиқлаши билан тугалдов ҳиссини тугдиради. Шу тарзда тузилган аксарият халқ кушиклари ааба шаклида кофияланган шеър тўртлигига айналмас келади. Бирок, кушик давомида турлича кофияланган рубойлар ўзаро алмашилиб келиши мумкинки, бундай ҳолларда дастлабки бандда шакланган куй-оҳанг тузилмалари барқарор тарзда янги шеърий тўртликларга қўшилаверади. Ушбу муносабатларни шартли равишда қуйидагича кўринишда тасвирлаш мумкин:

Шеърлий туртликлар: $\frac{A/aaba}{A/aaba}$ - $\frac{B/abab}{A/aaba}$ - $\frac{C/aabb}{A/aaba}$ - $\frac{D/aaba}{A/aaba}$
Оҳанг тузилмалари: $\frac{A/aaba}{A/aaba}$ - $\frac{A/aaba}{A/aaba}$ - $\frac{A/aaba}{A/aaba}$ - $\frac{A/aaba}{A/aaba}$

Ушбу нисбатдан келиб чиқадиган хулоса шуки, кўшиқнинг шеър ва куй асослари узаро "бекарор-баркарор", "Номуким-муким" ҳолда пайваста бўлади. Кўшиқ мазмунан хилма-хил /ҳажвий, тарихий, ишқий ва ҳ.к./ бўлиб, кичик ҳажмли тузук /асосан квинта-секста/асоси ва сўздош оҳанглар етакчилигида, баъзан доира журлигида ҳозир бўлади. Унда куйчанлик хусусиятини юзага келтирувчи нисбатан чўзимли оҳанглар ҳам учраса-да, улар кўпроқ айтим мисраларининг тугалланиши, яқунланиши арафасида намоён бўлиб туради. /УХММ, I китоб, 32-33 б./ Куйчанлик, оҳангдорлик хусусиятлари кўшиқларнинг асосан лирик мавзудаги кўринишларига кўпроқ тааллуқлидир. Инсоннинг ички, руҳий кечинмалари, шу жумладан, она табиат, эл-юрт ёки севикли ёрга меҳр-муҳаббат туйғулари ифода этилган бу айтимлар фольклоршуносликда "лирик кўшиқ" сифатида ҳам таърифланади.

Лирик кўшиқларда куйчанликка хизмат этувчи бадий воситаларнинг аҳамияти ортиб боради. Бу ҳолат ҳам шеър, ҳам куй-оҳанглариде муштарак юзага келади. Хусусан, шеърлий мисраларда кичик нақарот касб этган такрорий сўзлар, мисралар ҳамда "жон", "дод-ей", "воей", "ёр" каби ундовли-ундалма иборалар қўлланиб, улар айтимларда чўзиқ куй-оҳангларини юзага келтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, айтим куйларида сўздош ва мунгли /куйи оқим учлиги/ оҳанглар табиий уйғунлашган бўлади. "Шоҳимардон тоғида" номли лирик кўшиқ бунга мисол бўла олади /УХММ, I китоб, 43-44 б./ Мазкур кўшиқнинг айтим мисраси дастлаб сўздош оҳанглар билан бошланиб /I-Птт/, сўнгра "мунгли оқим" асосига табиий уланиб кетади /Ш-ИУтт./ Мисра яқунида эса /У-УИтт./ "эрмайдир қор" сўзларини мунгли оҳанг воситасида такрорланиши айтимга сўлимлик бағишлайди. Кўшиқнинг кейинги мисралари ҳам шу алфозда давом этади.

"Э, вое" номли лирик кўшиқда ҳам сўздош ва мунгли оҳанглар нисбати шу кабидир /УХММ, I китоб, 47 б./ Бу айтимда "э, вое" ундалмаси қўлланиши оркали чўзимли оҳанглар ташкил топиб, улар ҳам дил ёзди аҳамият касб этади. Мазкур айтимда қўлланган секста ҳажмли тузук асоси ҳамда "аралашма" куй-оҳанглари умуман лирик кўшиқлар учун ҳам хосдир.

I. Кўшиқ айtimi учун "катта", яъни мустақил нақаротлар хос эмас.


Т Е Р М А

Терма - айтимнинг бир тури бўлиб, лугавий жиҳатдан "Йигмоқ"; "танламоқ"; "саралаб олмоқ" маъноларини англатади. Термалар икки асосий кўринишда ҳозир булади:

I/ Баҳши /шоир, дostonчи /термалари; I

II/ Халқ термалари.

Бахшилари термаси одатда бирон-бир дoston ижросидан олдин айтилади. Бунда бахши шеърий тўртликлар асосида бисотида/репертуарида/бор дostonларни кискача таърифлаб куйлайди, уларни эслатади ва шу тарика тингловчига "Нима айтай?" деб мурожаат этган булади. Шу максатда айтилган термалар "Қай дostonдин айтайин?" номи билан бритади./УХММ, II китоб, 57-60 б./ Бахши термаларида "Думбирам", "Қуиларим" номи айтимлар ҳам бўлиб, уларда кўрсоз сифатида қўлланган думбира чолюси ҳамда дostonларнинг қахрамонлари /Алпомиш, Авазхон ва б./ ва уларнинг мардонавор отлари, шунингдек, бахшиларнинг ҳаёт йули мавзу этиб куйланади. Кварта-квинта ҳажми сўздох оҳанглар билан айтиладиган ушбу термаларнинг ритм-ўлчовлари одатда муайян тургунликка эга эмас, чунки маълум турок билан бошланган дастлабки тўртлик кейинги бандларда ўзгариб туриши табиийдир. Бу ҳолат айтим мисраларига ҳам таъсир ўтказа бошлайди. Чунончи, "Думбирам" термаси аввадига 8 ҳижоли айтим мисралари билан "ўқилса", кейинги бандлар давомида II ҳижоли ваън ваъга келиб, натижада айтим мисралари кенгайди, вариант этилади./УХММ, II китоб, 47-48 б./ Демак, терма айтимларининг куй-оҳанг тузилмалари, кўшиқдан фарқли ўларок, маълум ўзгаришлар билан тақрор этиб турилади:



Бундай ўзгарувчан банд шакл-тузилиши умуман бахши термалари кифасига мос келади.

Термаларнинг яна бир турини халқ орасида кенг ёйилган терма айтимлари ташкил этиб, уларнинг ижрочиларини термачи ёки термакам деб аташади. Бу термаларда кўпинча турли мавзулар /панд-насихат, севга, шахсий ҳаёт йули ва б./ шеърий тўртликларда бир-бирига улашиб ёки "қоришиб" келади. Аммо бу терма айтимлари ритм-ўлчовлари I. Бахшилар - "Гўрўгли", "Авазхон", "Алпомиш", "Ошиқ Гариб ва Шоҳсанам" каби дostonларнинг ижросиси бўлиб, думбира, дутор ёки кубиз созлари жўрлигида куйлайдилар.

муқим тартибда ушганлиги, сўздosh оҳанглари эса куйчанлик хусу-
сиятларига Яугрилганлиги, ҳамда думбира ўрнида баъзан доира жур-
созлиги кулланиши билан бахши термаларидан фарқ этади. Шунингдек,
айтим бандларида гоҳо накарот аломатлари ҳам юзага кела бошлай-
ди. Шунга оид мисолни "Ёр, мунча зор эдинг мени" термасида кўриш
мумкин. /УХММ, I китоб, 105 б./ Жумладан, ўз таржимаи ҳоли ва ишк-
муҳаббат мавзулари пайваста этилган бу терма айтоми бир караш-
да банд шаклида бўлиб кўринса-да, бироқ ҳар бир банднинг сўнгги
икки мисралари мунтазам такрорланиб туриши оқибатида ўзгача на-
карот аҳамиятини юзага келтиради. Терманинг шакл кифаси схема-
ларда куйидагича кўриниш касб этади:

A/I-банд/ B/накарот/ C/П-банд/ В Д/Ш-банд/ ва ҳ.к.
а в с д с д а₁ в₁ с₁ д₁ с д а₂ в₂ с₂ д₂

Л А П А Р

"Лапар" атамаси, тахминга кўра, икки сўз /ла-пар/ бирикмаси-
дан ҳосил бўлган: "пар" - жуфт, икки киши¹ маъносига, "ла" эса
аслида кўмакдош ясовчи бўлиб, айтмоқ /айтиш/ феъли ўрнида /маса-
лан, куй-ла, сўз-ла каби /келади. Демак, лапар деганда икки ки-
ши айтишуви назарда тутилади. Одатда йигит ва киз ўртасида ла-
пар-айтишувлар ўтказилган. Бундай вазият эса кўпроқ анъанавий ик-
коҳ тўйи маросимларида, киз оши базмида юзага келган. Бунда² киз-
лар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб лапар ай-
тишади... Лапар билан киз ва йигитлар бир-бирларига муҳаббат эъ-
ҳор этиб, танишган ва аҳди-паймон килишган. Ўз юрак дардини музи-
касиэ /ътни жүрсозсиэ - О.И./ маълум оҳангда ашула килиб айтиш-
ган. Бордию лапар айтаётган йигит билан киз бир-бирини ёктириб
колса, лапар айтиб туриб бир-бирига совга беришган"².

Ҳозирда қуйланиб келинаётган лапарларнинг аксарияти марое-
симлар билан бевосита боғлиқ бўлмай, улар турли давраларда ва
сахнавий кўринишларда доира ва бошқа халқ чолгулари жүрсозлиги-
да айтилиши мумкин. Лапарларга доир тавсифимиз ҳам асосан шун-
дай айтимлар хусусидадир.

Лапарларда севги-муҳаббат етакчи мавзу бўлиши билан бирга
яна энгил ҳазил, нозик пичинг ва бошқа мазмундаги шеърлар ҳам
тараннум этилади. Одатда уларнинг воқеабанд шеърларида накарот-
лар бўлмайди, балки лапарчиларнинг шеърий тўртлик ёки I-II мисра-
1. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I том. -М.: "Рус тили", 1981, 571 б.
2. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 90 б.

лар асосида бирин-кетин, навбатма-навбат куйлашидан "савол-жа-воб" тарзига курилган айтишув шакли юзага келади. Шунингдек, лапарлар ўиноки доира усуллари жўрлигида раксбоп жўхатга эгаки, гоўо лапарчилар навбатма-навбат раксга тушиб айтим куйлайдилар.

Лапар куй-оўанглари нисбатан ихчам ва баркарор тузилмалар кўринишида бўлиб, айтим давомида ҳар иккала ижрочи томонидан кўлланаверади. Ёниобарин, лапарчилар умумий куй-оўанг тузилмаларига таянган ҳолда "савол-жавоб" шеърларини куйлайдилар. Бунда айтим мисраларининг тузилиши худди кўшик жанрида бўлгани сингаридир, яъни шеър мисраларига нисбатан тўрт куй-оўанг тузилмалари мутаносиб этилган бўлади. Хусусан, шакл-тузилиши шунга монанд лапарлар каторида халқимиз орасида машҳур "Билагузуи", "Коракот", "Лапар"/УХМ, IУ т./, "Килпиллама"/УХМ, Пт./ айтимларини кўрсатиш мумкин. Айрим лапарларда савол-жавоб нисбати шеърини тўртликлар даражасида эмас, балки шеърини мисралар қамровида юзага келади. Жумладан, "Нима-нима, нима дейсиз?" лапариди шу савол мисраси ҳар бир жавоб мисрасидан сўнг такрорланиб туради /УХМ, УП т./ Бу лапарнинг айтим мисралари ҳам кўшикдаги каби тўрт асосий тузилмадан иборат бўлиб, савол-жавоб мисралари умумий оўанг тузилмаларига таянади.

Лапарнинг маҳаллий тури сифатида Хоразм лапарини кўрсатиш мумкин. Чунки Хоразми лапарлари нафақат икки киши томонидан, балки кўпроқ якнахон/асосан аўялар, халқалар/томонидан шеърини тўртликлар асосида ижро этилади. Бу турдаги лапарлар кўшик жанрига ниҳоятда якин келса-да, аммо раксбоплиги ва ракс жўрлигида ижро этилиши билан лапарлик сифатини сақлаб қолади. Бунга "Ўзбек халқ музикаси" гулламининг УП жилдидан ўрин олган "Галдим сана меҳмон бўлиб", "Чолхўрозим", "Охтараман", "Кастими", "Пар девол" каби Хоразм лапарлари ёркин мисол бўла олади.

Я Л Л А



Ялла - кўп хўсусиятлари, жумладан, раксбоплиги, ракснинг кўлланиши, ижрода кўпчиликининг иштирок этиши каби жўхатлари билан лапарга якин бўлган жанрдир. Аммо лапарда энг арвало айтишувлик сифати муҳим бўлгани ҳолда, яллада бадийий сўз/шеърини/, куй ва ракснинг муштараклиги нисбатан баркарордир. Шу бойсдан яллага "раксий айтим"/Ф. Кароматов/, яъни ракс билан куйланадиган айтим ибораси кўлланиб турилади. Ушбу ҳолат "ялла" атамасида ҳам маълум акс этган. Чўнончи, халқ оғзаки ижодида "ялла" сўзи "ўйнаб-кулиш",



"уйнаб-куйлаш" ва, умуман, хушвақт бўлишлик маъноларида қўлланилади. Шундан келиб чиққан ҳолда "ялла" сўзи "уйнаб-куйла" тушунчасининг қисқартма "ял-ла" бирикмасидаги ифодасидир, деб айтиш мумкин! Яллалар, лапарлардан фарқли уларок, банд-нақарот шаклида бўлади. Бунда яққохон /яллаци/ доира, дутор ёки чолғу ансамбли журлигида ракс-уйинга тушиб бандларни куйласа, нақаротни - купчилик /нақаротчилар/ айтади. Демак, банд-нақарот /ёки нақарот - банд/ шаклига монанд яллаци ва нақаротчилар навбатма-навбат куйлашади. Ялланинг уйнаб-куйлаш хусусияти унинг сўз/шеър/ ва куй/музыка/ асосларида ўзига хос ақс этади. Жумладан, бармоқ вазнидаги шеърлари асосан енгил ҳазил-мутойиба билан йўрилган севги мавзуларида бўлиб, унинг нақаротларида уйнаб-куйлашга, хушхайфит бўлишга даъват этувчи "ялла" сўзи ҳамда унинг "ялло", "ялли" каби шакллари ишлатилади:

Яллама ёрим, яллола,
Яллолашайлик, бедолашайлик /ва ҳ.к./

Баъзан "ялла" урнида "уйин", "уйнасин", "айлансин", "ургилай", "таралло", "хоралли" каби сўз-иборалар ишлатилади.

Яллаларда зуқур этилган ўйинчанлик ҳолати мусликий омиллар воситасида яна ҳам ёркин тус олган. Бу урнида яллаларнинг аксарияти $\frac{6}{8}$ ритм-ўлчовда бўлган жонли ва раксбоп Уфар усулининг турли вариантларини намоян этади:

а/  в/ 

б/  г/ 

Куй нуктаи назаридан қаралганда ялланинг банд-нақарот нисбатлари асосан икки қуринишда юзага келади:

1. Айтим бандининг мисраларидан сўнг намоян бўлувчи /банд мисраларига сингдирилган/ бир мисрали нақарот. У одатда, ўзидан олдинги оҳанг тузилмасининг табиий давоми сифатида янграйди ва айтим мисрасини тўлдириб боради. Бундай "тўлдирувчи" нақаротнинг оҳанг тузилмаси муқим ёки банд мисраси мазмунига боғлиқ ўзгариб туриши мумкин /УХММ, II китоб, 67, 72-73, 161-162 б./.

2. Айтим бандидан сўнг ёки олдин намоян бўлувчи икки-тўрт ва ҳ.к. мисрали нақарот. Бу нақаротлар тоғлиқ и барқарор тузилиши ҳамда банд куй-оҳангларида мустақил бўлган ўз оҳангларига эга бўлади. 1. "Ялла" сўзининг луғавий негизи номаълум.

Бунга "Яллама ёрим", "Яллола", "Оҳо ялли" каби айтимлар мисол бу-
ла олади/ УХМ, I т., УХММ, II китоб /. Одатда бундай яллалар муқим
накарот ва шёрий тўртликлари ўзгарувчан айтим бандлари асосида
қуйланади:

 А Б С Б Д Б
 ----- ----- ----- ----- -----
 Банд накарот

Яллангич бир тур сифатида унинг куй-оҳанглари кенгрок
ҳажмга қадар ривожланган яллани ёйтиш мумкин. Табиийки, яллачи-
дан кенг нафас талаб этувчи бундай яллаларни бир вақтда ҳам куй-
лаб, ҳам ракс этиш мушкулдир. Шу сабабли ҳам бу кўринишда ривож-
ланган катта яллалар ижросида накаротчилар гуруҳи билан бирга
алоҳида яллачи ва алоҳида раккос-ўйинчи иштирок этади. "Лалалум",
"Келдим", "Ялло-ялло" /УХМ, I т., УХММ, II китоб/ каби яллалар шулар
қумласини ташкил этади.

Ўзбек халқ чолгулари

Чолгу мусиқа санъати ўзбек халқ мусиқа ижодининг муҳим ва
таркибий қисмини ташкил этади. Унинг шаклланиши ҳам айтимлар син-
гари халқ турмушининг турли кўринишлари /сайл, тантана, байрам, ма-
росим ва ҳ.к./ билан боғлиқ ҳолда вазга келган ва ўзига хос бади-
ий вазифаларни бажаради. Шу уринда чолгу мусиқасининг айтимга,
яъни овоз билан қуйлашга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга экан-
лигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зотан, Шарҳ мусиқа или-
мининг асосчиларидан бўлган мутафаккир Абу Наср Форобийнинг ёзи-
шича: "энг муқаммал саз - инсон томоғи, энг муқаммал мусиқа - ин-
сон овози" дир.¹ Бинобарин, чолгу мусиқаси инсон овозига жүрсоз
бўлади, уни бойитишга хизмат қилади ёки унга тақлид этади. Дарҳа-
қиқат, улуг олимнинг бундан минг йил аввал билдирган фикри ҳо-
зирга қадар ўз исботини топиб келмоқда. Чунончи, ўзбек халқ чол-
гуларининг қўлланиш ўрни кўпроқ кўшиқчиликка /шулачиликка, дос-
тончиликка/ жүрсозлик қилишда кўзга ташланади. Шу билан бирга,
чолгуларда айтим қуйларини ҳамда махсус "соф" чолгу қуйларини
алоҳида ижро этиш анъаналари мавжудки, бунда ҳам инсон овозига
ижодий тақлидни идроклаймиз. Бу тақлид эса чолгу қуйнинг айтим
оҳангларига ўхшаш сўлим табиатида, овоз тароватини ёдга солув-
чи кўплаб ижровий "безак" усуллари /нола, қочирим, қашим ва б./
нинг қўлланиши ва ҳ.к. да намоён бўлади. Тўғри, чолгуларнинг ўзга-
ча хўсусиятлари, мусиқий тафаккур ривожиди алоҳида ўрни бор. Шу-
1. З. Орипов. Устоз ва олим. "Ражабийхонлик" илмий-амалий анжу-
мани материаллари. - Тошкент: 1994, 18 Б.

ларни инобатга олган ҳолда миллий чолгуларимиз хусусида муфассалроқ тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Авваламбор шунини айтиш керакки, ўзбек халқи мусикий чолгуларга бойлиги жиҳатидан жаҳон халқлари орасида илгир ўринлардан бирини эгаллайди. Зеро созларимиз хилма-хиллиги шу қадарки, уларда чолгуда икром этиш воситаларининг деярли барча турлари, хусусан, торли-чертма, торли камонли, торли зарбли, лабли пуфлама, урма-зарбли ва ҳ.к. кўринишлари намоён бўлади. Айни вақтда, муайян чолгу турларининг келиб чиқиш тарихи ҳам бевосита диёримиз санъати билан боғлиқдир. Жумладан, чолгушунос мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон – торли-камонли созларнинг ватанидир. Деворий тошларга ишланган қадимий тасвирчи-зиглари шундан далолат беради. Шунингдек, мусикий чолғучилигимизнинг ривожланиши пировардида нота ёзувлари ҳам ихтиро этилган бўлиб, шулардан бири – уд торли-чертма сози учун мўлжалланган "табулатура", яна бири танбурга оид "танбур чизиги"¹ ёзув ёзувлари эди. Бу каби ихтиролар бежиз эмас, зеро, мутахассис олимларнинг эътирофича, дастасида парда бўғинлари шаклланган торли-чертма чолгулар нота ёзувининг ўзига хос илк кўринишлари сифатида ҳам хизмат қилган.

Бундан ташқари, заковатли мусикачи олимлар, хусусан, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Кутбиддин Шерозий, Сафиуддин Урмавий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Омулий, Зайнуллобиддин Хусайний ва бошқалар ўзларининг мусикага доир илмий қарашларини уд ва бошқа созлар асосида баён этганлар. Шу билан бирга Абу Наср Форобийнинг "Катта мусика китоби", Зайнуллобиддин Хусайнийнинг "Қонуни илмий ва амали мусикий"и, Дарвиш Али Чангийнинг "Мусикага оид рисола"си каби ёзма манбаъларда айрим чолгулар таърифи келтирилади.

Ўзбек созларига доир турли маълумотлар мумтоз шеърят намуналарида² ва, айниқса, қазрат Мир Алишер Навоий назмида қўллаб учрайди. Аммо, манбаъларда номи кўрсатилган ҳамда мўъжаз суратларда тасвири чизилган айрим чолгу созлари, масалан, нузха, навхи, арғанун, рўд, барбат, шаммома, чағона, руҳафзо ва б./мусика истеъмолидан чиққанлиги боис бизга қадар етиб келмаган. Ҳозирда маълум ва мусика амалиётида қўлланиб келинаётган чолгулар эса уч асосий гуруҳни – торли, дамли ва зарбли созлар мажмуасини ташкил этади. Қуйида ҳар бир гуруҳни алоҳида тавсифлаб ўтамиз.

1. "Табулатура" ёзув воситасини XIII асрда яшаган машҳур мусикачи ва олим С. Урмавий, "Танбур чизиги"ни эса XIX аср иккинчи ярмида яшаган таниқли шоир ва мусикачи К. Хоразмий кашф этган.

2. Бу ўринда Аҳмадийнинг "Созлар мунозараси" машҳурдир.

Торли чолгулар гуруҳи ижрочилик воситаси асосида торли-
чертма /дутор, думбира, танбур, рубоб, уд /, торли-камонли /кубиз,
гикжак, сато / ва торли-зарбли /чанг /турларга бўлинади.

Д у т о р - икки торли чертма чолгу бўлиб, тут, урик ёки
ёнгоқ дарахтидан тайёрланади. Унинг ноксимон косаси "ковурғали"
/яъни ёнма-ён елиманган юпка тахтали/ ёки уйма шаклда ишланган
булади. Коса қисми устида тахтадан иборат копқоғи ва унинг усти-
га ўрнатилган ҳаррағи бор. Дуторнинг косасига узунлиги 7,0-7,5
дециметрча бўлган дастак уланиб, унга 13-14 та ипақли парда
боғланади, баъзан эса пардалар урида ёғоч ёки суяқдан ишланган
махсус мосламалар ёпиштириб куйилади. Дуторнинг ипақдан шилган
икки тори ижро этилаётган куйга мувофиқ ҳолда бош парда /квинта/
урта парда /кварта/ёки куш парда /прима ёки октава/ларга созла-
ниши мумкин. Икки октавадан зиёд /хроматик хусусиятли/товушкато-
ри унда ҳалқ куйлари билан бир қаторда мақом йулларини ҳам ижро
этиш имконини беради. Дуторнинг ўзига хос мунгли ва майин овоз
таровати сулим айтимларга уйғун жўр бўлади ва, айниқса, хотин-қиз-
лар томонидан кенг қўлланилади.

Д у м б и р а чолғуси ҳам дутор каби икки торли чертма бў-
либ, кварта, квинта ёки октавага соланади. Аммо дутордан ўзига
хос "бўғик" товуши, нисбатан қисқа ва силлиқ /парда-тўсиклари
боғланмаган/дастаси, икки октавага қадар товушкатори ва бошқа
жиҳатлари билан фарқ этади. Унинг ноксимон косаси ўрик, тут ёки
арча дарахтидан ўйиб ишланади. Ҳозирда, асосан, Сурхондарё ва Қаш-
қадарё вилоятларида кенг жорий бўлиб келаётган думбира ижрочили-
ги икки кўринишда - жўрнавоз ва яқканавоз шаклларда намоён бўл-
моқда. Хусусан, жўрнавоз думбира бахшиларнинг дoston ва бошқа тур-
ли айтимларида қарор топиб келган бўлса, яқканавоз думбира ама-
лиёти дostonлар билан боғлиқ "Бахши куй" ҳамда чўпонлар иқодиға
oid махсус "Куйларни судраш", "Куйларни йигиш", "Чўпонча", "Думбира"
куй"ларни ёлғиз ижро этишда намоён бўлади. Бинобарин, думбира
азалдан бахши ва чўпонларнинг сеvimли чолғусидир.

Торли чертма чолгулардан яна бири **т а н б у р** дир. Унинг
ҳам ноксимон уйма косаси ва унга уланган дастаси бўлиб, тут ёғо-
чидан тайёрланади. Нисбатан узун дастасида 16тача боғлама парда-
си бор. Бундан ташқари, коса копқоғига 4та чўп /хас /парда елим-
ланган бўлади. Шу тариқа танбурнинг умумий /диатоник/товушкато-
ри қарийб уч октава /катта октава "соль"идан биринчи октава"соль"

ига кадар/ оралигини камраб олади. Танбурдаги торларнинг сони учдан олтигача бўлиши мумкин. Бунда чолгунинг номланиши ҳам шунга мувофиқ чорттор /тўрт торли/, панжтор /беш торли/ ва шаштор /олти торли/ деб ёритилади. Ҳозирги давр ижрочилик амалиётида кўпроқ уч симли /торли/ танбуллар қўлланилиб, унинг ораликдаги иккинчи тори биринчи ва учинчи торларга нисбатан кварта, квинта ёки секунда куйилида соzланади. Бунда асосий ҳисобланган биринчи тор кўрсаткич бармоқка кийилган нохун /маъдандан ясалади/ ёқуд табиий тирнок воситасида чертилади, қолган торлар эса жўрсadolар тарзида гоҳо чертиб гурилади. Касбий чолгучилар сози булган танбурда асосан устозона мусиқа намуналари /1 ком ва йирик чолгу куйлари/ яқканавоз ҳолда, ҳофизларга жўрсоз сифатида ҳамда анъанавий чолгулар ансамбли таркибида ижро этилади.

У д - торли-чертма чолгуларининг энг кўчналарида бири бўлиб, мезроб воситасида чалинади. У танбур, дутор ёки шу гуруҳга оид бошқа соzлардан узининг ноқ шаклидаги катта косаси ва силлик қалта /парда боғламларисиз/ дастаси билан ажралиб туради. Уднинг сўлим товуш таровати, икки октавадан зиёд овоз ҳажми, кенг ижрочилик имкониятлари уни Шарқ халқлари /араб, турк, форс, кавказ ва бошқа халқлар/ орасида машҳур бўлишига сабаб булган эди. Утмишнинг аксарият мусикашунос олимлари уни мукаммал соz қаторида таърифлаганлар, Дарвиш Али Чангий эса удни "барча чолгуларнинг подшоси" сифатида эълон қилган. Уднинг торлари сон жиҳатдан ўзгариб турган. Ёзма манбаъларда айтилишича, Абу Наср Форобий удга бешинчи торни кўшган ва шундай қилиб жаъми торлари /йўгондан ингичкага қараб/ бам, маслас, масна, зир ва ҳодд каби махсус атама-ларга эга булган, ҳамда узаро кварта нисбатига соzланган.

Замонавий уд созида II та тор бўлиб, шулардан бештасида кўштор тарзида куй ижро этилади, биттаси эса йўгон /куйи/ товуш ўрнида жўр этилади. Бу соzда халқ куйлари ва устозона мусикага доир намуналарни яқканавоз ҳамда анъанавий халқ чолгулари ансамбли таркибида ижро этиш мумкин.

Утмиш рисолаларида "рубоб" /араб. "ребаб"/ чолгуси тилга олиниб, у торли-қамонли соz эканлиги айтилади. Ҳозирда эса бу атама орқали маълум торли-чертма чолгулари - афгон рубоби ва қашқар рубоби тушунилиб, улар мезроб /нохун, медиатор/ воситасида чалинади.

А ф г о н р у б о б и нинг чуқур ўйилган ва тери билан қопланган қорин қисми /косаси/ ҳамда қалта вайўгон /узунлиги 8-10 см/ дастаси бўлиб, унда тўртта парда боғламаси мавжуд. Шунингдек,

дастасидан иқорилаб олтига ёки еттита қушимча "хас" пардалари ўрнатилади. Бу рубобнинг квартага созланган бешта асосий торлари икки октава ҳажмидаги диатоник товушқаторларни садолантиради, IО-II та ёрдамчи ён қуюқ симлари ҳам бўлиб, улар акс-садо /резонатор/ сифатида янграйди. Афғон рубобининг ихчам шакли ҳам бўлиб, унинг дастаси нисбатан узунлиги ва товушқатори хроматик тарздамаъдан пардалар билан ишлаб чиқилганлиги тавсифланади. Афғон рубобини халқ орасида "Бухоро рубоби", "ҳиндча рубоб" деб ҳам атайдилар. У асосан касбий созандалар томонидан яқинавоз ҳамда халқ чолғулари ансамбли таркибида чалинади.

Қ а ш қ а р р у б о б и - тут дарахтидан ясалган бўлиб, чўмичсимон коса ва икки ёғоч шохли узун /80 см/ даста шаклига эга. Ўйилган косасига тери тортилади, дастасида I9та ва ундан зиёд пардалари бор бўлиб, икки октава ҳажмидан ортиқ товушқаторни ташкил этади. Бешта торнинг асосан дастабки иккитасида куйлар чалинади ва улар кўшторга, учинчиси буларга нисбатан куйи квартага, тўртинчи ва бешинчиси - куйи квинтага созланади. Қашқар рубобида ҳам халқ куйлари, ҳам устозона мусиқа намуналари яқинавоз ва ансамбл шаклларида ижро этилади. Айни вақтда, қашқар рубобининг дарангдор овоз таровати ундан рақсларга жүрсоз сифатида қўлланишга ҳам имконият беради.

Қ о н у н - бир қатор Шарқ мамлакатларида тарқалган кўҳна торли-чертма соз бўлиб, шаклан чанг созига ўхшаб кетади. Аммо ёғочли қопқоғининг маъдум қисми тери билан қопланганки, унинг устидан харрах ўрнатилади ҳамда 24 та учталиқ ичак торлари эшилади. Уч октавадан ортиқ ҳажми бу торлар бармоқларга кийилган нохунлар воситасида тирнаб чалинади. Торларни сошлаш учун махсус бурама кулоқлари, шунингдек, торларни ярим тон, бир тон ва бир ярим тон дараҳага силжитгич ёғоч мосламалари бор. Узунлиги 800-900 мм, эни 380-400 мм булган бу чолғуни созанда тиззасига қуйиб ёки махсус оёқчаларга ўрнатиб ижро этади. Ҳозирда қайта жонланаётган бу созда халқ айтим куйлари ҳамда мақом чамуналари ижро этилмоқда.

Қ у б и з - туркий халқлар орасида қадимдан қўлланиб келинган торли-камонли чолғу. Унинг уйма косаси пастдан бир куйруқ, иқоридан эса даста билан бир бутун ҳолда ёғочдан ясалади. Кубизнинг икки тури от думининг қилидан ясалиб, асосан кварта, баъзан квинтага созланади. Товушқаторининг ҳажми I,5 октавага тенг. Мунгли кубиз сози ўтмишда халқимизнинг севили чолғуларидан бири бўл-

ган. Унинг журлигида бахшилар /ўзонлар/ дostonларни ҳамда "Ботир куй", "Чупони" сингари соф чолгу куйларни ижро этишган.

Г и ж ж а к торли-камонли сози ҳубизга нисбатан узун дастали бўлиб, тут ёки урик дарахтидан уйиб ишланган думалоқ косаси тери билан қопланган бўлади. Гижжакнинг ёйи/камони/га от қилидан бир урами тортилган бўлади. Утишида гижжак асосан уч торли бўлиб, кварта бўйлаб соzланган, ҳамда унинг товушкатори бир ярим октава оралигини ташкил этган. Аммо эндиликда гижжаклар скрипкада бўлгани каби асосан тўрт торли бўлиб, квинта нисбатига соzланадиган бўлди. Товушкатори эса дёрли уч октава доирасини ишғол этади. Мусика амалиётида гижжакдан якканавоз ва, айниқса, ансамбл ҳамда оркестр таркибида кенг фойдаланилади.

С а т о сози барча торли-камонли чолгулар орасида узининг катта ҳажми билан ажралиб туради. Унинг боғлама пардали узун дастаси, косаси, копкогига муҳрланган хас пардалари, уч октавага яқин диатоник товушкатори ҳамда умумий ташки қиёфаси танбурни эслатади. Амалиётда баъзан танбурни сато урнида, яъни камон билан қўлланиши ва, аксинча, сатони танбур сингари ноҳун воситасида чертиб чалиш вазиятлари учрайди. Сатонинг асосий уч ёки тўртсими танбурдагидек кварта, квинта ёки секунда нисбатларига соzланади. Асосий симлар тагидан тортилган ва дастагорнинг ён қуллоқларига боғланган 8-II та тори акс-садо бериб туриш учун мулжаллангандир. Сатода "қочирим", "сайқал", "нола" каби безак усуллари фавқуллодда таъсирли янграйди, асосан вазмин суратли устозона мусика намуналари ижро этилади.

Ч а н г - торли-урма созининг кўриниши трапеция шаклига эга. Унда ҳажми 40 га тор бўлиб, улар 14 та асосий торларга бирлашади. Шулардан 13 таси учтадан тақсимлангани ҳолда қўйи йўгон тори биттадир. Торлар иккита чўплар воситасида уриб ва чертиб /тирнаб/ чалинади. Жарангдор овози сабабли чанг "сахнавий" якканавоз шаклида ҳамда турли чолгу ансамбллари таркибида қўлланилади.

Дамли чолгулар гуруҳи - товуш ҳосил этиш манбаъларига кўра лабли-пуфлама /чўпон най, най/, найпачоқли¹-пуфлама /кушнаё, буламон, сибизик, сурнай/, муштукли-пуфлама /карнай/ ва тилчали-пуфлама /чангқобуз/ турларга бўлинади. Шулардан гажир най ва сибизик дам-¹ Найпачоқ - дамли соzларда товуш ҳосил этиш учун қамишдан ёки бошқа манбаъдан тайёрланган юпка пластинкадан иборат бўлади. Унинг қамишдан тайёрланган турини "қамиш тил" деб ҳам аташади.

ди чолгуларнинг энг оддий хиллари бўлиб, чупонлар орасида кенг қулланилган. Шу боис уларни "чупон най" деб ҳам аташади.

Г а ж и р н а й - узунасига /буйлама тарзда/ ушлаб чалинадиган соз. Унинг номи чўл бургути - гажирдан келиб чиқади, чунки бу соз шу бургут қанотининг суюгидан тайёрланади. Унинг най диаметри 10-12 мм атрофида бўлади, аммо пуфлама тешик мосламасининг доираси нисбатан кенг /15-16мм/ бўлганлиги натижасида товуш ҳосил этилади. Гажир найда тўртта тешикча бўлиб, учтаси олд томонда ва биттаси куйида жойлашади. Овоз ҳажми секста оралиги билан чекланган. Унда чупонлар икки бўлган "Чупонча" куйлари ҳамда подани ҳайдаш ёки уни сўғоришга олиб бориш каби меҳнат фаолиятини англатувчи махсус сигнал садолари чалиниб келинган.

С и б и з и к /сибизга/- узунлиги 140-150 мм келадиган оддий қамишдан ясалади ва гажир най каби узунасига ушлаб чалинади. Аммо гажир найдан фарқи ҳолда, пуфлама томонидан тилча кесилган бўлади. Олд томонида бармоқлар босадиган учта тешикчаси бор. Товушлар доираси олтилик пардаларини қамраб олувчи бу чолгудан ахборот /сигнал/ узатиш воситаси сифатида ҳам фойдаланилган.

Н а й дамди чолгуси ёнламасига ушланган ҳолда пуфлаб чалинади. Унинг узунлиги 450-520 мм бўлиб, тайёрланиш манбаъсига кўра ёғоч най, мис най, биринч най, гаров /қамиш/ най каби аталади. Найнинг олтига асосий тешиги бармоқлар билан тўла ёки ярим ҳолда беркитиб босилади, пуфлама тешиги эса найнинг бир учи ёнида жойлашади. Унда 2,5 октавага қадар хроматик товушқатор ҳосил этиш мумкин. Найни чапиш учун маълум тайёргарлик ва ижровий маалакалар бўлиши зарур. Шу боисдан ҳам у асосан касбий созандалар чолгуси бўлиб, яққа ҳолда ҳамда чолгу ансамблларида қулланади.

Қ у ш н а й сози сибизикнинг мукаммал кўринишини намойиш этади. У узунлиги 250-300мм, диаметри 14-16мм бўлган иккита қамиш найнинг ўзаро боғланмасидан иборат бўлиб, найларнинг бир томонидан товуш ҳосил этиш учун тилчалар йўнилган бўлади, ҳамда ҳар бирининг олтига ёки еттига тешиги бор. Қўшнайда икки октава/ре-диез¹ - ре³/микёсида бўлган хроматик товушқаторни садолантириш мумкин. Одатда, қўшна йирочиси бўлган касбий мусикачилар/қўшначилар/"қайтарма нафас"¹ усулидан кенг фойдаланадиларки, бунда нафас узилмагани ҳолда товушларнинг ўзаро боғланишида оҳангдор¹. Бунда бир вақтнинг ўзида бурундан нафас олиниб, оғиздан эса нафас/ҳаво/ пуфланади. Қайтарма нафасга оид махсус машқлар ҳам бор.

ликка эришилади. Қўшнай ҳам яққанавоз сифатида, ҳам чолғу ансамбллари таркибида ўзгача ифодавийлик касб этади.

Б у л а м о н /боламан, балабон/ - тут дарахтидан ишланган сурнай шакли чолғудир. Аммо ҳажми сурнайдан кичик/узунлиги 300 мм/, товуш ҳосил этувчи пуфламаси эса сибизик/қўшнай/ники кабидир, яъни пуфлама найчасида тилчаси бор. Буламонда саккизта тешик бўлиб, товушкатори кичик октавадаги ре-бемольдан бошлаб икки ярим октавадан зиёдрок ҳажми диатоникани ташкил этади. Буламон ижрочилигида ҳам қайтарма нафас усулидан кенг фойдаланилади. Бинобарин, у қуйчанлик бағишловчи чолғу сифатида ансамблларда ва яққа холда қўлланилади. У кўпроқ Хоразм мусиқа анъанасига хосдир.

С у р н а й - ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан конуссимон най шаклида ўйиб ясалади, узунлиги 450-550мм, олд томонида еттита, остида битта тешикчалари бор. Сурнайнинг пуфлама томонига металл найча ўрнатилиб, унга қўш тилчали юпка пластинка - садаг қийғизилади ва унинг воситасида товуш ҳосил этилади. Товушкатори "ре¹" дан бошлаб икки октава даражасида бўлади. Сурнайда рақс қўйлари, халқ орасида кенг тарқалган қўшиқ-ашула қўйлари ҳамда мақомларнинг "сурнай йуллари"/Сурнай Навоси, Сурнай Ироғи ва б./ ижро этилади.

К а р н а й - мисдан ясалган пуфлама чолғу. Узунлиги 2м ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин, оғзи кенгайиб борувчи конуссимон шаклда, пуфлама томонида муштук ўрнатилган бўлади. Унинг "тирсакли"/синик чизикли/қуриниши ҳам мавжуд. Олиб яришда қўлай бўлиши учун уч қисмга ажралади. Карнайда бармоқ босадиган тешиклар бўлмайди, балки унда асосий товуш ва унга нисбатан квинта, септима ва октава юкоридан /обертон/садолар ҳосил этилади. Кучли ва йўгон овози бўлиши пировардида кўпроқ "жар солиш", шу жумладан, ҳарбийларга ахборот/сигнал/ўзатиш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Ч а н г қ о б у з тилчали чолғуси асосан темир ва суяқдан ишланади. Темир чангқобуз айлана шаклида бўлиб, ўртасидан 7-9см узунликда пулат тил утказилади. Уни чалиш учун чап қўл билан тишларга босиб туриб, айна вақтда ўнг қўлнинг қўрсаткич бармоғи билан тилчасини тўлқинлантириб туриш лозим. Суяк чангқобузда эса узунлиги 15-20см, эни 3-4см келадиган туя қовурғаси олиниб, унинг ўртасидан тилча кесилади ва унга ип боғланади. Чалиш пайтида шу ипни тортиш орқали чангқобузнинг тилчаси тўлқинлантириб турилади. Чангқобузда барқарор бир асосий овоз ва октава юқорилаб унинг обертон товушлари ҳосил этилади. Ана шу юқори товушлар оғиз бўш-

лигидаги ҳаво босими оркали "бошқарилиб", кварта-квинта ҳажмида бўлган оддий куйлар чалинади. Асосан хотин-қизлар кенг қўллаган.

Зарбли чолгулар гурӯҳини тери қопламали /доира, ногора / ҳамда "узи садоланувчи"/сафоил, қошиқ, қайроқ/лар ташкил этади.

Д о и р а зарбли созининг гардиши тоқ зангидан ёки урик, ёнгоқ ёғочидан тайёрланиб, бир томонидан бузоқ/ёки кийик, эчки / териси қопланади. Гардишнинг ички томонига 40дан ортиқ маъдан халқечалар осилади. Доиранинг гардиши/чети/томон зарб берилишидан нисбатан баланд "бак"/"тоқ"/товуши юзага келса, нисбатан куйи "буу"/"гуп"/товуши доиранинг урта қисмига зарб берилиши билан садоланади. Доира усуллари деярли барча халқ чолгу ансамбллари ҳамда ракс уйинлари/катта уйин, пилла ва б./га жўр бўлади. Унинг чирманда, чилдирма, дафф каби бошқача номлари ҳам бор.

Н о г о р а - лойдан туваксимон шаклда ясалиб, сопол даражасига қадар пиширилади. Косаси кийик /ёки б. ҳайвон/териси билан қопланади. Ногора ҳам, овоз баландлиги ва номланиши жиҳатидан турлича бўлади. Масалан, катта шаклдаги дўл ногора/доираси 60см/битта калинроқ чўп зарби билан чалинади. Тери қопламаси 30-40см атрофида оулган кўс ногора эса уртача йўгон товушли бўлиб, иккита чўп билан чалинади. Шунингдек, нисбатан икори товушли рез ногора /кичик ногора/нинг доираси 20-30см камровида бўлади. Одатда кўс /буу/ ва рез/бак/ ногоралар бир-бирига боғланиб, кўш ногора тарзида/чўп ва бошқа оммавий байрам маросимларида чалинади.

С а ф о и л - узунлиги 40см келадиган иккита думалоқ таёқча ва уларга осилган катта-кичик темир халқалардан иборат зарбли создир. Уни силкитиш ва елкага уриб олиш йули билан ракс куйларига ва айтимларга жўр бўлинади. Шунингдек, сафоил сози дарвишлар томонидан зикру-самъ маросимларида ҳам қўлланиб келинган.

Қ а й р о қ одатда, туртга япадоқ ва силлиқ тошдан иборат бўлади. Бунда раккос/ёки раккоса/нинг икки қўлида бир қўфтдан қайроқ бўлиб, уларнинг ўзаро уриб турилиши билан турли усуллар чалинади. Қайроқ дорбоз ва ёғоч-оёқ уйинларида ҳам қўлланилади.

Қ о ш и к - ёғоч қошиқлар раккослар ёки созандалар томонидан куйларга монанд ҳолда бир-бирига уриб чалинади.

Чолгу ансамбллари, яъни хилма-хил халқ чолгуларини ўзаро уй-гун равишда ижро этиши санъати ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Хусусан, кўҳна даврларга оид мусиқачилар жамоасининг тош-деворларга ишланган тасвирлари, ўрта асрларга доир китобий мўъжаз

расмлари ва бошқа манбаълар шундан далолат беради. Мантқан уйлаш мумкинки, мусикамиз табиатига зарб-усуллари синга бошлаган даврдан буён ижро ансамбллари юзага кела бошлайди. Чунки зарбли чолгуларнинг муқим такрорий ритм-усуллари кумагида икки ва ундан ортиқ ижрочилар вақт жиҳатидан бир тартибда уюшиб, мутаносиб чалишга эриша бошлаганлар. Бинобарин, зарбли чолгуларнинг усуллари купчилик ижросини бир йусинда интизомлаштириш воситаси ҳамдир. Шу боисдан ҳам утмишда саройлардаги ногорахона созандаларига /карнайчи, сурнайчи ва б./одатда ногорачилар меҳтар/бошлик/этиб тайинланган. Яна шуни назарда тутмоқ керакки, ансамблларнинг қанча турлари бўлмасин, уларнинг деярли барчасида зарбли чолгу/купрок доира/бўлиши қонуният тусини олган. Чолгу ансамбллари энг умумий тарзда икки гуруҳга бўлинади:

I. Садоланиши кучли чолгулардан таркиб топган ансамбллар;

II. Садоланиши нисбатан юмшоқ чолгулардан тузилган ансамбллар.

Биринчи гуруҳ таркибига сурнай, карнай, ногора ва доира чолгулари мансубдир. Маъқур созлар кучли овоз таратиши натижасида очик майдонларда ижро этилади ва халқ анъанавий тантаналари/"Шодиёна" туркуми/дорбозлар ва кугирчокбозлар томошалари/"Дорбози", "Дучава", "Гул уйин Дучаваси", "Чарх" ва б./туй маросимлари /"Садр", "Беги Султон", "Наво Чархи" ва б./ ва ҳ.к. оммавий байрамларда қўлланилиши тақозо этилади.

Иккинчи гуруҳ ансамбллари таркибида деярли барча торли чолгулар ҳамда най, буламон, кўшнай дамли созлари ва доира, сафёил, қошиқ сингари зарбли чолгулари намоеън бўлиши мумкин. Аммо амалиётда бу созлар мажмуаси кенг жорий бўлмай, балки турли кўринишдаги хилма-хил "хонаки"/яъни уй, хона шароитида қўлланадиган/чолгу ансамбллари қарор топиб келган. Улар воситасида мақом ва "соф" куйларни ижро этиш ҳамда халқ айтимлари ва рақсларга жўр бўлиш каби бадиий вазифалар бажарилади. Юқорида таъкидланганидек, доира сози бу ансамбл турлари учун ҳам муҳим бўлиши баробарида яна танбур, рубоб, гижжак, най чолгуларининг ҳар бирига алоҳида журнал-возлик қилиши мумкин. Агарда доира қўлланмаган бўлса, у ҳолда созанда куй ритми воситасида усулни намоеън этиши мумкин.

Анъанавий чолгу ансамблларининг маҳаллий турлари ҳам мавжуд. Чунинчи, Бухоро мусика анъанасида танбур, най ва доира ансамбли қўлланса, Фаргона-Тошкент услубида танбур-дўтор, Хоразмда эса дўтор, буламон, гижжак ва доира жўрсозлиги жорий бўлиб келмоқда.

М У Н Д А Р И Ж А

✓	1. К И Р И Ш	3
✓	2. Халқ мусикасининг умумназарий масалалари.....	9
	а/айтимнинг шеърин асослари	11
	б/айтимнинг куй-оҳанг тузилишлари	12
	в/айтим шакллари	20
	г/халқ мусикасининг таснифи	21
✓	3. Меҳнат кўшиклари	21
	а/чорвадорлик кўшиклари	22
	б/деҳқончилик кўшиклари	25
	в/қунарманчилик кўшиклари	26
✓	4. Мавсумий маросим айтимлари	28
✓	5. Оилавий маросим айтимлари	35
	а/Йиги	36
	б/Ўр-Ўр	37
	г/келин салом	38
	г/алла	39
	6. Диний наводар	40
✓	7 "Эркин мавзули" куй-кўшиклар	44
	а/кўшик	45
	б/терма	47
	в/лапар	48
	г/ялла	49
	8. Ўзбек халқ чолгулари	51
	а/торли чолгулар гуруҳи	53
	б/дамли чолгулар гуруҳи	56
	в/зарбли чолгулар гуруҳи.....	59
	г/чолгу ансамбллари	60

Р — Подписано в печать 4.04.84

Формат: 60x84/16 Объем: 4, 0 п. л.

Тираж: 500. Заказ: 404.

Типография ТИПО им. Ибн-Сино
Ташкент — 703200 пр. Радиальный, 10.

